



Ризоуддин ибн ФАХРИДДИН

# ДАРОМАДЛАРНИНГ ЯХШИСИ

“Тўғри савдо ва қўл кучи билан топилган даромад даромадларнинг яхшисидир” (Аҳмад ибн Ҳанбал. “Муснад”, III жуз, 466-бет).

Инсон ҳаёти давомида ўзинигина эмас, балки ҳимоясидаги оиласини, яқинларини тарбия қилиши ва қийинчиликда қолган диний ва наслий қариндошларига ёрдам бериши керак. Шунинг учун у бирон касб билан бойлик топишга мажбурдир.

Аллоҳ таоло «**Энди қачон намоз адо қилин-гач, Ер юзига (касб ўринларингизга) тарқалиб, Аллоҳнинг фазлу марҳаматидан (кенг ризқ) истайверинглар!**» (Жума, 10) деб буюради.

Дунёда энг лаззатли нон одам боласининг ўз касби ва қўл кучи билан топган, пешона терини тўкиб қўлга киритган нони бўлади.

Одам нақадар мўътабар ва таниқли оилга мансуб бўлмасин, ҳар қанча бой бўлмасин, қўл билан меҳнат қилиши, тер тўкиб пул топиши уят эмас, бу иш уни мақомидан тушириб ҳам қўймайди. Довуд ва Сулаймон пайғамбарларнинг (алайҳимуссалом) қўл кучи билан кун кечирганлари ривоят

қилинади. Савдо, деҳқончилик ва қўл кучи билан касб этиш фазилатли амал экани ҳақида Имом Бухорий ҳам, Имом Муслим ҳам “Саҳиҳ”ларида, Имом Аҳмад ибн Ҳанбал “Муснад”ида, умуман, “Кутуби ситта”да (машҳур олти китобда) ҳадислар жуда кўп.

Олтин арслон оғзидадир, уни олиш учун кўп тиришиш керак. Қиз болаларга ўзларига муносиб қўл ҳунарлари ўргатиш ва ўғил болалар учун ҳунар мактабларини очиш жуда кўнгилли ишлардандир. Бу йўлда хизмат қилувчиларга, бойликлари билан ёрдам қилувчиларга Аллоҳ таоло мангулик мукофотлар берсин!

Дунё йилдан-йилга ўзгаради, тириклик кундан-кунга бошқачароқ бўлади, кечаги ҳунарлар бугунга ярамайди, бу кунги касб эртанинг ҳожатини ўтай олмай қолади. Дарҳақиқат, замон илмларини ўрганиш, яхши ҳунар эгаллаш фақирликдан сақлайдиган қалқондир.

(“Жавомеъул калим”, Т., “Мовароуннаҳр”, 2004 й., 76-бет)



# ЁМОН СЎЗДАН САҚЛАНАЙЛИК

Динимиз бизларга лаънатлашни, сўкишни буюрмаган. Шунинг учун лаънатламаслик, сўкмаслик, ҳақорат қилмаслик мусулмонга хос хислатдир. Куръони каримда бундай мазмунли ояти карима бор: “Аллоҳдан ўзгага сиғинадиган (бутлар)ни сўкмангиз! Акс ҳолда, улар ҳаддан ошиб, билмасдан Аллоҳни сўкиб юборадилар” (Аъбом, 108).

Пайгамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бундай деганлар:

“Менинг саҳобларимни ёмонламанг, жоним измида бўлган Зотга қасамки, агар бирортангиз хайрли ишларга Уҳуд тоғича олтин сарфлаганида ҳам, саҳобаларим қозонган шарафнинг бир заррасига эриша олмайди”;

“Ўлганларни сўкманг, зеро улар қилган амалларининг оқибатини кўргандирлар”;

“Безгакни сўкманг, у туфайли одамларнинг гуноҳлари кечирилади”;

“Шайтонни сўкманг, балки унинг ёмонликларидан паноҳ беришини Аллоҳдан сўранг”.

Ана шундай, динимиз ҳатто лаънатланган шайтонни ҳам сўкиш, лаънатлашдан қайтарган. Сўкиш ўрнига унинг ёмонлигидан паноҳ сўраб, Аллоҳ таолога ёлвориш буюрилган. Чунки шайтонни сўкиш ожизликдан, Аллоҳдан паноҳ сўраш эса имон мустаҳкамлигидан далолатдир.

Ғарбда шундай ибратли сўз бор: “Қоронғуликни сўкиб ўтирмай, шамни ёқа қолсанг-чи...”. Зеро, қоронғуликни қанча сўкмайлик, у ўзгармайди. Уни ёритиш йўлини излашимиз лозим.

Шуни билиб олайлик, кимни бўлса-да лаънатлаш, сўкиш туфайли бизга заррача ажр берилмайди. Зеро, сўкиш мусулмоннинг бажармаса гуноҳ ёзиладиган бурчлари сирасига кирмайди.

Олимлардан бири бундай деган: “Агар киши бутун умри давомида Фиръавн, Абу Жаҳл ёки шайтон ҳақида бир оғиз ҳам ёмон сўз айтмаган бўлса, бунинг учун Аллоҳ таоло уни жазоламайди. Аммо у бирор одам ҳақида бир оғиз бўлса-да тухмат ё ҳақорат гапни айтган бўлса, ҳисобга тортилиши аниқ”.

## «HIDOYAT»

Ойлик диний-маърифий,  
илмий-адабий нашр

Муассис

Ўзбекистон мусулмонлари идораси

Бош муҳаррир

Нуруллоҳ МУҲАММАД РАУФХОН

Таҳрир ҳайъати

Усмонхон АЛИМОВ  
Абдулазиз МАНСУР  
Абдураззоқ ЮНУС  
Ортиқбек ЮСУПОВ  
Нуриддин ҲОШИМОВ  
Анвар ТУРСУН

Неъматилла ИБРОҲИМОВ

Аҳад ҲАСАНОВ

Зоҳиджон ИСЛОМОВ

Зоҳидилло МУНАВВАРОВ

Баҳодир КАРИМОВ

Эркин МАЛИК

Муҳаммад Шариф ЖУМАН

Юсуфжон ИСҲОҚ

Исомиддин ОЛИМ ШАЙХ

Абдул Жалил ХЎЖАМ

(Бош муҳаррир ўринбосари)

Аҳмад Муҳаммад ТУРСУН

Муҳаммад Собит САЛОҲИДДИН

Муқова

«Voris Design» маркази билан  
ҳамкорликда тайёрланди.

Бадиий муҳаррир

Хайруллоҳ ҚУДРАТУЛЛОҲ ўғли

Матнни

Райҳона ХОЛБЕК қизи,

Зебунисо ҲУСАЙН қизи

терди.

Тарғибот-ташвиқот марказлари:

Фарғона вилояти — 8.373.222-12-38  
Раҳбари Салоҳиддин Нуриддин

Манзилимиз:

700069 Тошкент шаҳри  
Зарқайнар 18-берк кўча 47а-уй;  
Тел: 160-45-62, тел.факс: 144-36-53.  
Интернет сайтимиз: [www.hidoyat.uz](http://www.hidoyat.uz)  
Интернет почтамаиз: [hidoyat\\_jurnali@mail.ru](mailto:hidoyat_jurnali@mail.ru)  
Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинган. Гувоҳнома рақами 0177.

Босишга 2008 йил 12 февралда рухсат берилди.  
Босмаҳонага 2008 йил 16 февралда топширилди.  
Қоғоз бичими 60x84<sup>1/8</sup>. Адади 18000 нусха.

22-сон буюртма. «КО'НИ NUR» МЧЖда босилди.

Қўлёзмалар қайтарилмайди. Мақолалар хат орқали юборилганида исмлар тўлиқ, манзил аниқ ёзилсин.

Мақолалар кўчириб босилса ёки иқтибос олинса,  
«Ҳидоят»дан олингани кўрсатилиши шарт.

## МУНДАРИЖА

<b>Ҳадис шарҳи</b>	
Ризоуддин ибн ФАХРИДДИН	
Даромадларнинг яхшиси .....	1
<b>Таянч нуқта</b>	
Ёмон сўздан сақланайлик .....	2
<b>Илм масканларида</b>	
Ислом институти. Янги бино,	
янги имкониятлар .....	6
<b>Сийрат</b>	
Расулulloҳ фазилатлари .....	8
<b>Мовароуннаҳр уламолари</b>	
Аҳмад МУҲАММАД	
Машхур насафийлар .....	9
<b>Имомларимиз</b>	
Абдуғафур РАЗЗОҚ БУХОРИЙ	
Талабанинг ҳамроҳи ихлос, садоқат бўлсин ...	12
<b>Аёллар саҳифаси</b>	
НОИЛА	
Инсон умри бебаҳо .....	14
Зумрад ФОЗИЛЖОН қизи	
Кўнгил гавҳари .....	14
Зебунисо ҲУСАЙН қизи	
Тотувлик калити .....	15
<b>Олисларга саёҳат</b>	
Аҳмад ТУРСУН	
Буркина-Фасо Республикаси .....	16
<b>Мадрасалардан дарақлар</b>	
Абдулазиз БОЙМИРЗАЕВ	
Кувноқ ва зукко ёшлар .....	17
Аҳмад БОЙҚОБИЛОВ	
Ватан сабоқлари .....	17
<b>Адабий таҳлил</b>	
Баҳодир КАРИМ	
Тавба остонасида .....	18
<b>Амри маъруф</b>	
Муҳаммадназар ҚАЮМОВ	
Ҳар биримиз масъулмиз .....	23
<b>Эл оралаб</b>	
РАЙҲОНА	
Яхшилик ва ёмонлик .....	24
<b>Ҳолис назар</b>	
Василий ЧЕПЕЛЕВ	
935 ёлгон .....	26
Оврупа мусулмонлари хартиясига .....	27
<b>Шеърят</b>	
Йўлдош ЭШБЕК	
Мен нақшлаб олай дилга исмингни .....	28
<b>Мужда</b>	
Буюк шоирга эҳтиром .....	29
<b>Тарих</b>	
Ақрам ГУЛШАН	
Туркияда ўзбеклар тақияси .....	30
<b>Амри маъруф</b>	
Бахтиёр ҲАЙДАРОВ	
Барақа ҳақида билганим .....	32

## Тафсири

## ЮСУФ СУРАСИ

4

«Агар сизлардан бирингиз яхши кўрадиган нарсасини тушида кўрса, айтиб берсин. Агар ёмон кўрадиган нарсасини кўрса, бошқа ёнига ағдарилиб олсин ва чап томонига уч марта туфласин, Аллоҳ таолодан паноҳ сўрасин, у тушини ҳеч кимга айтмасин. Ана шунда туши унга зарар қилмайди»

## Саҳобалар ҳаёти

Холид Муҳаммад ХОЛИД

МУОВИЯ  
ИБН АБУ СУФЁН

“Усмоннинг (розийаллоху анху) ўлимидан сўнг Али билан Муовия ўртасидаги нарсалар ижтиҳод ва раъй йўлига кўра бўлгандир. Улар ўртасида жанг бўлиб ўтган, ҳақ ва тўғрилиқ Али тарафида эди, Муовия эса салаф ва халаф уламо наздида узрлидир”

10

## Хабарлар

## ИСЛОМ ВА ОЛАМ

Буюк Британия ҳукумати қарори

21

Буюк Британия ҳукумати “ислом террорчилиги”, “ислом фанатлари” атама-ларини қўллашдан воз кечиш тўғрисида қарор қабул қилди.

## Масала

## БИР САВОЛ СЎРАСАМ...



Мусофир муқимларга имом бўлса, намозни бошламасдан аввал ёки салом бергач, “Намозингизни тамомланг, мен мусофирман” дейиши мустаҳаб. Тўрт ракатли намозларда муқим мусофирга иқтидо қилганида мусофир икки ракат ўқиб салом берганидан сўнг у қолган икки ракатини қироат қилмасдан ўқийди, яъни қиёмда бир тасбеҳ миқдори туриб рукуга боради.

25

## بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

إِذْ قَالَ يُوسُفُ لِأَبِيهِ يَا أَبَتِ إِنِّي رَأَيْتُ أَحَدَ عَشَرَ كَوْكَبًا وَالشَّمْسَ وَالْقَمَرَ رَأَيْتُهُمْ لِي سَاجِدِينَ ﴿١﴾ قَالَ يَبْنَىٰ لَا تَقْصُصْ رُءْيَاكَ عَلَيَّ إِخْوَتَكَ فَيَكِيدُوا لَكَ كَيْدًا ۗ إِنَّ الشَّيْطَانَ لِلْإِنْسَانِ عَدُوٌّ مُّبِينٌ ﴿٢﴾ وَكَذَلِكَ تَجْتَبِيكَ رَبُّكَ وَيُعَلِّمُكَ مِن تَأْوِيلِ الْأَحَادِيثِ وَيُتِمُّ نِعْمَتَهُ عَلَيْكَ وَعَلَىٰ آةِالِ يَعْقُوبَ كَمَا أَتَمَّهَا عَلَىٰ أَبَوَيْكَ مِن قَبْلُ ۖ إِبْرَاهِيمَ وَإِسْحَاقَ ۚ إِنَّ رَبَّكَ عَلِيمٌ حَكِيمٌ ﴿٣﴾

# ЮСУФ СУРАСИ\*

**4. Сўзлаб беринг:** Юсуф отасига “Отажон, мен тушимда ўн бир юлдузни, қуёш ва ой менга таъзим қилишаётганини кўрдим”, деди. **5. Отаси деди:** “Ўғлим, бу тушингни ака-укаларингга айтамагин, улар сенга ҳийла-найранг ишлатмасинлар. Зеро, шайтон инсонга очик душмандир». **6. Ана шу каби Парвардигоринг сени сайлаб олади ва сенга тушларнинг таъбирини ўргатади, олдин боболаринг Иброҳим ва Исҳоққа неъматини тугал қилиб бергани каби сенга ва Яъқубнинг фарзандларига Ўзининг неъматини тугал қилиб беради. Парвардигоринг билгувчи, нарса-ларни ўз ўрнига қўйгувчидир.**

## Тафсири ва баёни

**1. «Сўзлаб беринг:** Юсуф отасига “Отажон, мен тушимда ўн бир юлдузни, қуёш ва ой менга таъзим қилишаётганини кўрдим”, деди».

Эй Муҳаммад! Қавмингизга Юсуфнинг отаси Яъқубга: «Отажон мен тушимда ўн бир юлдуз, қуёш ва ой менга таъзим қилишганини кўрдим», деганини сўзлаб беринг.

Ибн Аббос (розийаллоху анху): “Набийларнинг тушлари ваҳийдир. Яхши туш, агар уни солиҳ киши кўрса ва солиҳ олим таъвил қилса, нубувватнинг бир бўлаги, ғайбдан хабар берилишининг бир туридир. Яхши туш воқеаларнинг соф руҳда акс этиши бўлиб,

\*Давоми. Бошланиши ўтган сонда

кўпинча кўнгилда қатъий бўлмаган ўйга мувофиқ кўринади”, деганлар

Юсуф (алайҳиссалом) тушларида кўрган ўн бир юлдуз ўн бир нафар ака-укалари, қуёш ва ой ота-оналаридир. Бир қанча муфассирлар оятни ана шундай тафсири қилишган.

Ибн Жарир Табарий Жобирдан ривоят қилади: “Яҳудийлардан Бустонатул Яҳудий исмли бир киши Пайғамбар (алайҳиссалом) хузурларига келиб: «Эй Муҳаммад! Юсуф тушида ўзига таъзим қилганини кўрган юлдузларнинг исмлари нима?» деб сўради. Пайғамбар (алайҳиссалом) бир фурсат жим туриб қолдилар. Жаброил (алайҳиссалом) тушиб, Пайғамбаримизга (алайҳиссалом) уларнинг исмларини айтиб бердилар. Пайғамбаримиз (алайҳиссалом) у яҳудийга одам жўнатиб: «Агар уларнинг исмларини айтиб берсам, имон келтирасанми?» дедилар. У, ҳа, деди. Пайғамбар (алайҳиссалом) уларнинг исмларини куйидаги тартибда айтиб бердилар: Жараён, Ториқ ва Зайёл, Зулканифот, Қобис, Васоб, Умудон, Фулайқ, Мисбах, Зарух, Вадулфарағ, Зиё ва Нур.

**5. «Отаси деди:** “Ўғлим, бу тушингни ака-укаларингга айтамагин, улар сенга ҳийла-найранг ишлатмасинлар. Зеро, шайтон инсонга очик душмандир”».

Юсуф (алайҳиссалом) тушларини оталари Яъқубга (алайҳиссалом) айтганларидан сўнг, оталари унга (алайҳиссалом) тушингда кўрганингни акаларингга айтма, улар сенга ҳасад қилиб, ҳийла ишлатиб, сени ёмон ҳолга солиб қўймасинлар. Зеро, шайтон Одам

(алайҳиссалом) ва унинг фарзандларининг душманидир, дедилар. Одамлар орасида фитна тарқатиш шайтоннинг одатларидандир.

Имом Бухорий Абу Саламадан ривоят қилишича, Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Агар сизлардан бирингиз яхши кўрадиган нарсасини тушида кўрса, айтиб берсин. Агар ёмон кўрадиган нарсасини кўрса, бошқа ёнига ағдарилиб олсин ва чап томонига уч марта туфласин, Аллоҳ таолодан паноҳ сўрасин, у тушини ҳеч кимга айтмасин. Ана шунда туши унга зарар қилмайди», деганлар.



Имом Аҳмад Муовия ибн Ҳайада Кушайридан қилган ривоятда Расулulloҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Туш таъбир қилинмаса, ўткинчидир. Агар таъбир қилинса, амалга ошади», деганлари айтилади.

**6. «Ана шу каби Парвардигоринг сени сайлаб олади ва сенга тушларнинг таъбирини ўргатади, олдин боболаринг Иброҳим ва Исҳоққа неъматини тугал қилиб бергани каби сенга ва Яъқубнинг фарзандларига Ўзининг неъматини тугал қилиб беради. Парвардигоринг билгувчи, нарсаларни ўз ўрнига қўйгувчидир».**

Раббинг сени танлагани ва сенга юлдузлар, куёш ва ой таъзим қилганини тушингда кўрсатганидек, сени оилангдигилар ва бошқаларга Ўзининг хабарчиси қилиб сайлайди ва сенга туш таъбирини ҳам ўргатади.

Аллоҳ таоло сени отанг, ака-укаларинг ва уларнинг зурриётларига элчи қилиб юбориши — сенга ваҳий қилиши билан, олдин

отангнинг бобоси Иброҳимга ва бобонг Исҳоққа неъматини тугал қилиб берганидек, сенга ҳам неъматини тугал қилиб беради.

Мазкур оятлар қуйидагиларга далолат қилади;

1. Пайғамбарларнинг тушлари ҳақдир. Солиҳларнинг тушлари пайғамбарликдан бир бўлақдир.

Имом Бухорий, Муслим, Абу Довуд ва Термизий Абу Қатодадан ривоят қилади: «Яхши туш Аллоҳдандир. Алғов-далғов тушлар шайтондандир», деганлар Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам).

2. Яхши туш кўпроқ кечанинг охириги қисмида кўрилади. У пайтда киши уйқу билан уйғоқлик орасида бўлади. Шунинг учун уни «сергаклик ўйлари» ҳам дейилади. Ундай тушда киши сергакликда англаш ва воқеъликда бўлиши мумкин бўлган нарсанингина кўради. Туш башорат ёки огоҳлантириш бўлиши мумкин.

3. Тушини фақат олим, дўст ва самимий, тушни таъбир қила оладиган кишигагина айтиш лозим.

4. Кутилаётган неъматларни ҳасад ва ҳийла қилиши эҳтимоли бўлган

кишилардан у неъматларга эришгунича яшириш керак.

Имом Табароний ва Байҳақий Ҳазрати Умардан (розийаллоҳу анху) ривоят қилади: «Тилакларга етишиш учун уларни сир тутинг, чунки ҳар қандай неъматга эришган кишига ҳасад қилинади».

5. Мусулмон мусулмон қардошини унга ёмонлик қилиши мумкин бўлган киши ҳийласидан огоҳ қилиб қўйиши мумкиндир. Бу гийбат сирасига кирмайди.

6. Фақатгина ота-оналар боласини ўзларидан кўра яхшироқ бўлишини исташади.

*Ибн Касир «Тафсири»и, Қуртубий «Тафсири»и,  
«Фатҳул Қодир» тафсири, Найсобурийнинг  
«Асбаба ан-нузул» ҳамда «Ғароибул Қуръон»  
китоблари асосида*

**Анвар АҲМАД**  
тайёрлади

(Давоми келгуси сонда)

# ИСЛОМ ИНСТИТУТИ

## ЯНГИ БИНО, ЯНГИ ИМКОНИАТЛАР

Имом Бухорий номидаги Тошкент Ислам институтининг янги биноси Ҳазрати Имом мажмуасига узукка кўз қўйгандек ярашиб тушди.

Нафақат институт жамоаси, балки юртимиздаги барча мусулмонларга туҳфа бўлган янги бино бугунги кун талаблари даражасида тўла жиҳозланди. Идора, хизмат ва ўқув хоналари умумий радио ва компьютер тармоқлари билан ўзаро боғланди. Дархоналар, ётоқхоналардаги шароит ва имкониятлар кутилганидан ҳам юқори.

Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 22 августдаги “Дин соҳасидаги маънавий-маърифий, таълим ишларини ва фаолиятини такомиллаштиришда ижтимоий кўмак ва имтиёзлар бериш тўғрисида”ги қарори институт жамоасига катта имкониятлар очди. Ҳозир институтда Қуръон қироати, фикҳ, тафсир, ҳадис ва фароиз фанлари билан бир

қаторда миллий истиқлол ғояси, иқтисодий назарияси, сиёсатшунослик, экология асослари ва демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти фанлари ўқитилмоқда.

Талабаларни дарсликлар билан таъминлаш яхши йўлга қўйилган. Диний ва ижтимоий фанларга тааллуқли китоблар институт кутубхонасида мавжуд. Кутубхона кўргазмали қуруллар, хариталар ва бошқа ўқув қўлланмалари билан бойитилди.

Институт олимлари турли йўналишларда тадқиқотлар олиб боришяпти. “Тиллар” кафедрасида асосий манба ҳисобланган китоблар таржимасига катта эътибор берилмоқда. Кафедрада араб тилининг нозик жиҳатларини ўрганадиган балоғат илмига оид маърузалар матни ишлаб чиқилди.



Маълумки, ҳозир араб ва бошқа тилларни соддалаштириб ўқитиш кенг қабул қилинмоқда. Араб тилини яхши ўзлаштирган талабалар учун алоҳида дастур ва қўлланма тайёрланди.

«Диний фанлар» кафедраси ўқитувчилари эса Имом Ҳаззолийнинг «Илм китоби», («Ихё...» дан), «Қалб ажойиботлари», шунингдек, «Рўза ва закот сирлари» каби қатор манбаларни таржима қилиб, нашр эттиришди.

Институтнинг “Таҳфизул Қуръон” кафедраси 1997 йили Тошкентнинг “Ўрикзор” даҳасидаги “Абу Ҳанифа” жомеъ масжиди ҳудудида иш бошлаган.

Ҳозир кафедрада тўққиз нафар устоз ишлайди. Талабалар йигирма нафар. Бугунги кунгача “Таҳфизул Қуръон” кафедрасида эллик тўрт қори талаба таҳсил олиб, битириб, республикамизнинг турли жойларида фаолият кўрсатмоқда. Улар халқаро мусобақаларда ҳам фахрли ўринларни қўлга киритишди.

Қуръони каримни Расулulloҳдан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ривоят этилганидек ўргатиш масъулияти кафедра мударрислари зиммасида.

Саҳобалар орасида Қуръони каримни тўла равишда ёд билувчилар кўп бўлган. Уларнинг барчалари кўплаб фазилатларда пешқадам бўлсалар-да, айнан Қуръон қироати таълимини Расулulloҳ (алайҳиссалом) саноқли саҳобалардангина ўрганишни буюрганлар. “Ким Қуръонни худди ҳозир нозил қилинганидек ҳолда ўқишни хоҳласа, Ибн



Умми Абд (Абдуллоҳ ибн Масъуд)нинг қироатида ўқисин”, деганлар .

Қироат ва тажвид илмига доир кўп китоблар тасниф этилган. Мударрислар Исломоламида катта шуҳрат қозонган китоблардан фойдаланишни йўлга қўйишди. Масалан, Имом Жазарий ва Имом Шотибий асарлари ва машҳур ватандошларимиз, жумладан, Мулла Али қорининг уларга ёзган шарҳларидан фойдаланилмоқда. Энди бу илмга оид дастурлар ишланиши, ўқув режасига киритилиши зарур.

Олган билимини бошқаларга етказиш муслмоннинг бурчи ҳисобланади. Шунинг учун талабалар таълим олиш билан бирга, диний хизматга тайёргарлик кўрадилар. Устозлар дарс жараёнида даъват усуллари, амри маъруф ва наҳйи мункар қоидалари ҳамда халқ билан ишлаш йўл-йўриқлари борасида маълумотлар бериб борадилар. Талабалар хатоба дарсида имом-хатиблик фаолиятининг назарий асосларини ўрганишади.

Талабалар 3-курсда масжидларда, 4-курсда Исломурта-махсус билим юртларида амалиёт ўташади. 3-курс талабалари ҳар жума куни институт масжидида устозлар назорати остида жума мавъизаси қилишади. Ёзги таътилда ўзлари яшаб турган жойлардаги жомеъ масжидларига махсус йўлланма билан юборилади.

Институт битирувчилари Ўзбекистон муслмонлари идораси билан келишилган ҳолда мамлакатимизнинг турли жойларидаги жомеъ масжидларига имом-хатиб ёки имом но-

иби вазифасига тайинланади. Сўнгра тайинланган жойда икки йил давомида хизмат вазифасини ўтайди.

Исломинститутига жомеъаси ҳозирги кунда Тошкент Исломуниверситети, Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент Давлат шарқшунослик институти, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, Жаҳон тиллари университети каби нуфузли илм даргоҳлари билан ҳамкорликни яхши йўлга қўйган.

Ушбу ўқув юртлари устоз ва талабалари билан турли анжуманлар, илмий-амалий семинарлар, илмий-тадқиқот ишлари, турли мавзуларда суҳбатлар ўтказиш ҳамкорлик алоқаларининг асосий йўналиши ҳисобланади. Битирувчиларнинг аксарияти бошқа олий ўқув

юртлари магистратурасида турли йўналишлар бўйича ўқишни давом эттиришмоқда. Буларнинг ҳаммаси Тошкент Исломинститутига юртимиздаги университет ва институтлар орасида мавқеини мустаҳкамлаб бораётганини билдиради.

Абдул ЖАЛИЛ  
тайёрлади



**Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам):**

**«Аллоҳ таоло кимга яхшиликни раво кўрган бўлса, уни дин илмидан баҳраманд қилади. Илмга илм олмоқ йўли билан эришилади», деб марҳамат қилганлар (Имом Бухорий ривояти).**



\* \* \*

У муборак зотни севиш ҳар мўминга лозимдир. Ҳадиси шарифда марҳамат қилинади: “Аллоҳ таолони севган банда мени севади”. Расулulloҳни севишнинг аломати у зотнинг суннатлари ва гўзал ахлоқларини ўрганиш, амал қилишдир.


\* \* \*

Пайғамбаримизнинг (алайҳиссалом) аҳли байтларини севиш вожибдир. Ҳадисда: «Аҳли байтимга душманлик қилган кимса мунофиқдир», деган сўз келади. Садақа олиши тақиқланган қариндошлари у зотнинг аҳли байтлари ҳисобланишади. Яъни, Ҳазрати Алининг, Уқайлнинг, Жаъфар Таййорнинг ва ҳазрати Аббоснинг (Аллоҳ ҳаммаларидан рози бўлсин) насллари Пайғамбаримизнинг (алайҳиссалом) аҳли байтлари саналишади.

\* \* \*

Пайғамбаримизнинг (алайҳиссалом) барча саҳобаларини севиш вожибдир. Ҳадисда бундай марҳамат қилинган: “Мендан кейин асҳобимга душманлик қилманглар. Уларни севиш мени севишдир. Уларга душман бўлиш менга душман бўлишдир. Уларни ранжитган мени ранжитган бўлади. Мени ранжитган киши Аллоҳ таолони ранжитган саналади. Аллоҳ таоло Ўзини ранжитганларни азобига дучор қилади”.

\*Давоми. Бошланиши ўтган сонда



## РАСУЛУЛЛОҲНИНГ (алайҳиссалом)

### ФАЗИЛАТЛАРИ \*

\* \* \*

Вояга етиб, дунёдан ўтган ҳар бир инсон қабрга қўйилганида ундан Пайғамбаримиз (алайҳиссалом) ҳақларида сўралади. “Раббинг ким?” дейилгани каби, “Пайғамбаринг ким?” деб ҳам сўроқ қилинади.

\* \* \*

Қиёматда қабрдан биринчи бўлиб Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) турадилар. Эгниларида жаннат либослари бўлади. Буроқ отига миниб, маҳшар майдонига келадилар. Қўлларида “Ливоул ҳамд” деган байроқ бўлади. Пайғамбарлар ва бутун инсонлар шу байроқ остида тўпланишади. Бандалар узоқ муддат кутишдан сиқилиб, ваҳимага тушишади. Ол-

дин Одам (алайҳиссалом), кейин Нух (алайҳиссалом), ундан кейин Иброҳим (алайҳиссалом), яна кейин Мусо (алайҳиссалом) ва ниҳоят Исо (алайҳиссалом) қошларига бориб, шафоат сўрашади. Улар узрларини айтишади. Бандалар охири Расулulloҳга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) келиб ёлворишади. Расули акрам саждага бош қўйиб, дуо қиладилар ва шафоатлари қабул бўлади. Аввал у зоти бобаракотнинг умматлари ҳисоб беришади. Сиротдан ўтиб жаннатга киришади. Расулulloҳ (алайҳиссалом) борган ҳар жой нурга тўлади.

\* \* \*

Расули акрам (алайҳиссалом) олти жойда шафоат қиладилар. Биринчи, “Мақоми Маҳмуд” дейилган шафоатлари билан маҳшар майдонига бутун инсонларни кутиш азобидан қутқарадилар. Иккинчи шафоатлари билан кўп солиҳ бандалар ҳисобсиз жаннатга киришади. Учинчи шафоатлари боис азоб чекиши лозим бўлган мўминлар азобдан халос этилади. Тўртинчи шафоатлари ила гуноҳи кўп мўминлар жаҳаннамдан чиқарилади. Бешинчи жойда савоби ва гуноҳи тенг бўлиб, аросатда кутиб турган бандаларнинг жаннатга киритилишлари учун шафоат қиладилар. Олтинчиси эса жаннатдаги мўминларнинг даражалари баланд бўлиши учун шафоат қилишларидир.

Муҳаммад ЗАРИФ  
тайёрлади



# МАШХУР НАСАФИЙЛАР\*



**АБУЛ АББОС НАСАФИЙ.** Абул Аббос Жаъфар ибн Муҳаммад Мустағфирий Насафий Мовароуннахрнинг таниқли фикҳ ва ҳадис олимларидан. Милодий 962 йили Насаф шаҳрида туғилган. Ўз даврида Мовароуннахрда бу кишидай ҳадис тўпловчи ва тасниф қилувчи, ҳадисларни тушунувчи муҳаддис бўлмаган. Марв, Сарахс, Найсобур, Бухоро ва Самарқандда яшаган. Насаф масжидлари воизи. Ўндан ортиқ китоб ёзган, булардан “Китаб далоилун-нубувва”, “Китаб хутабан Набий”, “Китаб тиббун Набий” ва бошқалар машхур. 1041 йили вафот этган.

**АБУЛ ҲАСАН НАСАФИЙ.** Абул Ҳасан Али ибн Муҳаммад ибн Ҳусайн Баздавий Насафий ўз даврининг йирик шайхларидан. Бир неча таниқли асарлар муаллифи, ҳадис ровийи. Самарқандда мударрислик қилган. Ҳижрий 482 (милодий 1088) йили Кешда вафот этган, Самарқандга олиб келиниб дафн қилинган.

**АБУЛ ҲАСАН БАЗДАВИЙ.** Абул Ҳасан Али ибн Муҳаммад Баздавий милодий 1009 йили Насафнинг Базда қасабасида туғилган. Ҳанафий мазҳабининг йирик фақиҳи ва муҳаддиси. Фикҳга доир олти китоб ёзган, Самарқанд мадрасаларида кўплаб шогирдлар тарбиялаган. Унинг «Каннул усул ила маърифатул усул» асари «Усули Баздавий» номи билан машхур. Ҳижрий 482 (милодий 1089) йили Кешда вафот этган. Жасади Самарқандга олиб келиниб, Чокардизага дафн этилган.

**АБУЛ МУЪИН НАСАФИЙ.** Абул Муъин Маймун ибн Муҳаммад ибн Муҳаммад Мўтамад ибн Муҳаммад Макхул ибн Фазл Насафий ҳозирги Қаршида туғилган. Ўн бешга яқин асар ёзган, уларнинг аксарияти калом илмига бағишланган. “Ал-умда фи усулул фикҳ”, “Баҳрул калом фи илмил тавҳид”, “Табсиратул адилла фи усулид дин”, “Ал-олим вал мутаъаллим”, “Шарҳул Жомеъул кабир”, “Муътақидот”, “Миноҳижул айма”, “Ат-тамҳид фи қоваидут тавҳид” ва бошқалар шулар жумласидандир. Ҳижрий 508 (милодий 1115) йили вафот этган, қабри Қарши туманидаги Қовчин қишлоғида.

**АБУ ҲАФС НАСАФИЙ.** Абу Ҳафс Нажмиддин Умар ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Исмоил ибн Муҳаммад ибн Али ибн Луқмон Насафий улуг олим, ҳанафий мазҳаби фақиҳи, муфасссир,

муҳаддис, муаррих, Бурхониддин Марғиновичнинг устози. Ҳижрий 461 (милодий 1069) йили Насаф шаҳрида туғилган, кўп вақт Самарқандда яшаган. Турли илмларга доир юзга яқин асар ёзган. “Ал-ақоидун Насафийа” китоби ғоятда машхур ва ақида китобларининг мўтабар саналади. Бундан ташқари унинг “Ал-акмал ал-атвол фи тафсирул Куръан”, “Таъдодуш шуйух ли Умар”, “Тарихи Бухоро”, “Ал-қанд фи зикри уламои Самарқанд”, “Шарҳи Саҳиҳул Бухорий”, “Мажмаъул улум”, “Ал-мавоқит”, “Ал-хасоил фил масойил” каби асарлари яхши маълум. Ҳижрий 537 (милодий 1142) йили Самарқандда вафот этган.

**АБУЛ БАРАКОТ НАСАФИЙ.** Абул Баракот Абдуллоҳ ибн Аҳмад ибн Маҳмуд Насафий Ҳанафий Мовароуннахрнинг машхур олимларидан, мутаоххир зоҳид, мўтабар имом, атоқли муфасссир ва фақиҳ. Бухорода таълим олган, илм талабида кўпгина мамлакатларда бўлган. Қуръон ва ҳадис илмида моҳир, беназир фақиҳ бўлган. Унинг “Матнул вофий”, “Ал-Кофий” (фаръий масалалар), “Канзуд дақоик” (фикҳ), “Ал-манор ул анвор фи усулил фикҳ” (усули фикҳ), “Ал-умда” (усули дин) каби йигирмадан ортиқ мўтабар асарлари бор. Айниқса, унинг “Мадорикут танзил ва ҳақойикут таъвил” номли тўрт жилдли тафсири энг муҳим асарларидан бири сифатида уламолар орасида машхур. Умрининг сўнгги йиллари Бағдодда мударрислик қилган. Ҳижрий 701 (мил. 1310) йили вафот қилган. Қабри Ҳузистоннинг Айжаз шаҳрида.

**ЛУТФУЛЛОҲ НАСАФИЙ-КАЙДОНИЙ.** Лутфуллоҳ ибн Фозил Мовароуннахрнинг машхур ҳанафий фақиҳларидан. Унинг “Фикҳи Кайдоний” асари бутун Ислому оламида машхур. Бу китоб “Матлабул мусолли” (Намозхон вазифалари) деб ҳам номланган. У турли ўлкаларда бир неча марта кўпайтирилиб, дарслик сифатида ўқитилган. Асарга Кўҳистоний Самадоний ва бошқалар шарҳ битишган. Насафий-Кайдоний ҳижрий 750 (милодий 1349) йили вафот этган.

Аҳмад МУҲАММАД  
тайёрлади

\*Давоми. Бошланиши ўтган сонда

Ҳолид Муҳаммад ҲОЛИД

# МУОВИЯ ИБН АБУ СУФЁН



Муовия (розийаллоҳу анҳу) саҳобаларнинг улуғларидан, Расулulloҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ваҳий котиблари, мўминлар амири эди. Тўлиқ исмлари Муовия ибн Абу Суфён ибн Абдушшамс ибн Абдуманноф. Онаси Ҳинд бинти Утба ибн Робиъадир.

Айтишларича, Муовия отасидан олдин, Қазо умрасида Исломни қабул қилган, лекин Мадинага ҳижрат қилмаган. Макка фатҳи куни мусулмонлигини ошкор этган. Ибн Абуддунё ва бошқалар эслашича, Муовия баланд бўйли, оқ юзли, чиройли киши бўлган.

Абдураҳмон ибн Абу Умайрдан қилинган ривоятга кўра, Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Муовияга қарата: “Аллоҳим, уни ҳидоятга бошлагин, ҳидоятланганлар сафига қўш ва у билан ҳидоят қилгин”, деганлар.

Абу Идрис Ҳавлоний бундай дейди: “Умар ибн Хаттоб Умайр ибн Саъдни четлатиб, ўрнига Муовияни Хумс волиий қилиб тайинлади. Шунда баъзи одамлар: “Умайрни бўшатиб, Муовияни волийликка тайинлади”, деб гап қилишганида ҳазрати Умар уларга: “Муовияни фақат яхшилик билан эсланглар, мен Расулulloҳнинг: “Аллоҳим, у билан ҳидоят қилгин”, деганларини эшитганман”, деди.

Ирбоз ибн Сариядан (розийаллоҳу анҳу) ривоят қилинади: «Расулulloҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Аллоҳим, Муовияга ёзишни, ҳисобни билдиргин ва уни азобдан асрагин”, деганларини эшитганман». Умар ибн Хаттоб уни Шомга ҳам волий қилди, ҳазрати Усмон буни иқрор этди.

Муовия қавмига суюкли киши эди. Йигирма йил Шомда ноиб бўлиб ишлади. Унинг халифалик даври ҳам йигирма йил бўлди. Давлатида ҳеч бир киши уни айбламади. Балки уммат унга бўйсунди. У араб ҳамда ажамага ҳоким бўлди. Унинг салтанати икки ҳарам шаҳарлари (Макка ва Мадина), Миср, Шом, Ироқ, Хуросон, Форс, Жазира, Яман, Мағриб ва бошқа давлатларни ҳам қамраб олган эди.

Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Муовияга васият қилганлар. Бу ҳақда Имом Аҳмаднинг “Муснад”ида бундай ривоят келтирилади: “Муовия таҳорат идишини олиб, уни кўтарганича Расулulloҳга эргашиди. Ра-

сулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) унга юзланиб: “Эй Муовия, агар бир ишга волий (бош) бўлсанг, Аллоҳга тақво қил ва адолатли бўл”, дедилар.

Муовия айтади: “Мен ўшанда Расулulloҳнинг гаплари амалига йўлиқаман, деб ҳеч ўйламаган эдим, аммо йўлиқдим”.

Мужолид Шаъбийдан, у киши Хорисдан, у эса Али ибн Абу Толибдан ривоят қилади: “Муовиянинг амирлигини ёмон кўрманглар. Агар уни йўқотсаларингиз, гарданларидаги вазифаларидан қочиб қутулган амирларни кўрасизлар”.

Аллоҳ таолонинг динига маломат тошларини отувчилар Исломга зарба бериш мақсадида ҳазрати Али билан Муовия ўрталаарида кечган зиддиятларга батамом таяниб олишади. Улар бу билан Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) саҳобаларининг ниётларини шубҳа остига олишни мақсад қилишади. Уларнинг ишини ўзгартириб кўрсатишади. Бунинг оқибатида фаҳмлар адашади, қадамлар тойилади. Маълум кишиларнинг адашувига эса уларнинг дин ҳақидаги тушунчалари саёзлиги ва мусулмонларни алдаш, онгини захарлаш учун тарих қатларига пинҳона суқиб юборилган ривоятлар сабаб бўлди.

Бу ихтилоф ҳақида мусулмон уламолар ва миллатнинг фуқаҳолари нималар дейишган?

Ҳофиз ибн Касир (раҳимаҳуллоҳ) бундай дейди: “Усмоннинг (розийаллоҳу анҳу) ўлимидан сўнг Али билан Муовия ўртасидаги нарсалар ижтиҳод ва раъй йўлига кўра бўлгандир. Улар ўртасида жанг бўлиб ўтган, ҳақ ва тўғрилиқ Али тарафида эди, Муовия эса салаф ва халаф уламо наздида узрлидир”.

Саҳиҳ ҳадисда собит бўлишича, Али, кейинчалик Али ўлдирилгач, Муовия бош бўлиб, ўн тўрт йил бир ўзи ҳаракат қилди. Ҳар йили ёз ва қиш фаслида икки мартадан Румга ғазот қиларди. Қавмидан бир кишини амир тайинлаб, одамлар билан ҳаж қилишга буюрар эди. Ўзи эллигинчи, ўгли Язид эса эллик биринчи йили ҳаж қилишди. Худди шу йили ўгли Язидни Рум шаҳрига ғазотга юборди. Унга ҳамроҳ бўлиб борган кўпгина улуғ саҳобийлар ёрдамида Қўстантанияяга қуршаб олинди. Саҳиҳ ҳадисда “Қўстантанияга аввал ғазот қилган қўшин учун мағфират бор”лиги собитдир.

Ҳофиз Заҳабий (раҳимаҳуллоҳ) бундай дейди: “Муовия зулмлари устидан адолат-

лари устун келган подшоҳларнинг энг яхшиларидандир. Унинг камчиликлари ҳам бор эди. Аллоҳ таоло уни кечирсин!”

Муовия (розийаллоҳу анҳу) ўлим соати яқинлашгач, охиратдаги ҳисоби енгил бўлишини ўйлаб, молининг ярмини Байтуллоҳга (давлат хазинасига) топширишни васият қилди. Тунда аҳволи оғирлашгач, ўзига ўзи: “Эҳ, қуриб кетгур дунё, сенга қирқ йил подшоҳлик қилдим, йигирма йил амир, яна шунча йил халифа бўлдим. Аммо ҳеч нарс вафо қилмади. Дунёни яхши кўрувчиларнинг ҳолига вой бўлсин!” деди.

Муҳаммад ибн Сирин бундай дейди: «Муовияга ўлим келгач, юзини ерга қўйди. Сўнг бошқа юзини ерга суриб йиғлади ва: “Аллоҳим, **“Албатта, Аллоҳ ўзига (бирон нарсанинг) шерик қилинишини кечирмас. Шундан бошқа гуноҳларни ўзи хоҳлаган бандалари учун кечирур”** (Нисо, 48), деб марҳамат қилгансан. Аллоҳим, мени ўзинг кечиришни истаган бандаларинг қаторида қилгин!”, деди».

“Ихёи улумид дин” китобида келтирилишича, Муовия ибн Абу Суфён ўлими яқинлашганида: “Мени ўтқазинглар”, деди. Уни ўтқазиб қўйишди. Шунда у Аллоҳ таолога тасбеҳ айтди ва Парвардигорни зикр қилаётиб, кўзига ёш олди ва: “Эй Муовия, кексайиб, мункиллаб қолганингда Роббингни эслаяпсан-а! Эҳ, шундай бўлиб қолди. Ёшлиқ ўтдикетди”, деди. Шундан сўнг баланд овозда хўнграб юборди ва: “Эй Раббим, золим қалбли осий қарияга раҳм қил! Аллоҳим, тойишлишни йўқ қилгин, хатони кечиргин ва Сендан ўзгага суянмаган ва Сендан ўзгага умид қилмаган кишига ҳилминг ила раҳм этгин!” деди

Абул Али ибн Маймун ибн Миҳрондан, у отасидан ривоят қилади: «Муовия бундай васият қилган: “Расулulloҳни (алайҳиссалом) таҳорат олдирдим. Эгниларидаги кийимларини ечиб, менга кийдирдилар. Мен уни асраб қўйганман. Вафотимдан сўнг жасадимга Расулulloҳ кўйлақларини кийдиринглар. Шояд, Аллоҳ таоло бунинг баракотидан менга раҳм қилса...”».

«Расулulloҳ атрофидаги одамлар» китобидан

**БУШРО**

таржимаси



— Домла, суҳбатимиз бошида сиз кўз очган муҳит ҳақида сўзлаб берсангиз.

— Бухоро шаҳрининг Хожа Зайниддин гузари азалдан улуғ алломаларни тарбиялаган мавзе

қилишар эди. Буларнинг ҳаммаси яширинча — махфий бўларди. Йиғилганларнинг кийимидан ҳеч ким уларни дин ва маърифат аҳли демасди. Мен эса чой дамлаб, хизматларида ҳозир у нозир эдим. Ўша давралардаги илмий мунозаралар, маърифий сабоқлар ҳозиргача онгу шууримдла муҳрланиб қолган, ҳали-ҳамон асқотади.

— Совет даврида диний илм олиш осон бўлмаган бўлса керак.

— Советлар давридаги жохил сиёсат жуда қаттиқ, диний илм олиш ва илм бериш тақиқда эди. Ҳамон эслаيمان: бир куни ҳовлимизга маърифий

ни, Фуломжон Изомий (Домла Икромча)дан ҳам хат, тариқат, тарих, қўлёмаларни ўқишни ўргандим. Мирзо Муҳаммаджон (Садриддин Махдумнинг шогирди) ва қори Аҳмад (Абдуллоҳ Савдонинг шогирди)дан эса хаттотлик ва китобат санъатини ўзлаштирганман.

1968 йили Мир Араб мадрасасига ўқишга кирдим. Мадрасада марҳум Шаҳобиддин қори домла, марҳум Муҳторжон домла, наманганлик Ҳожи Абдуллатиф домла, Нуруллаҳон қорилар сабоқ беришган. Ҳарбий хизматдан қайтгач, 1974—75 йиллари Имом Бухорий номидаги Тошкент Ислом инсти-

# ТАЛАБАНИНГ ҲАМРОҲИ

Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг Бухоро вилояти

сифатида танилган. Чунки оламга “Муҳаддислар имоми”, “Мовароуннаҳр фақиҳи” каби номлар билан танилган Имом Бухорийдек зот ҳам шу гузарда туғилган.

Раҳматли бувам Остон мисгар ихлос-эътиқодли, даврининг уста ҳунарманди, бувим раҳматли Розиябону ҳам савод чиқарган, олима аёл эди. Мен иккалаларидан кўп нарса ўргандим.

Кечки мактабда ўқиб юрган кезларимда кундузи устахонада ишлаб, мармар тошга ёзиш ва ўйиш ҳунарини эгаллаганман. Ҳовлимизда ҳар ҳафта Бухоро уламолари — Абдулқодир Кароматуллоҳ Саббоқ, Қори Фуломқодир, Сулаймонхўжа Орифий, Ҳожи Мардонқул (Ҳожи Марҳабо маснавийхон) тўпланишиб, тафсир, ҳадис, фикҳдан суҳбат қуришар, мумтоз асарларни мутолаа

суҳбат қуриш учун келган Қори Фулом ҳазратларига бувам: “Фарзандимизга Қуръон ўқишни ўргатсангиз”, дедилар. Устоз ўйга чўмиб: “Болам, майли Аллоҳнинг каломини ўқишга бел боғлаган экансан, бу жуда хайрли иш. Фақат бир шартим бор: ҳеч ким билмасин. Биласан, ёшим ҳам саксонни қоралаб қолди. Бу советлар эса ёшу қарига раҳм-шафқат қилмайди. Бироқ сенга илм ўргатмасам, эрта қиёмат куни Аллоҳга нима дейман... Лекин илм ўрганаётганингни бировга айтма”, деб кўзларига ёш олди.

Қироат, тарих, хаттотлик, Бухоро тарихи, астрономия, Чор китоб каби жуда кўп нарсаларни шу зоти муҳтарамдан таҳсил олганман. Шунингдек, Сулаймонхўжа Орифийдан тафсир, тасаввуф, фикҳ ва хат қоидалари; Боқижон Махдумдан ҳам хаттотлик, тасаввуф илмлари-

тутида таълим олдим. Муфтий Зиёвуддинхон, Исмоил Махдум, Юсуфхон Шокир, Абдулғани Абдуллоҳ, Шоикром қори, Фозилжон қози домла каби алломалардан таълим олиш шарафига муяссар бўлдим.

— Ҳозирги ишларингиз ҳақида гапириб берсангиз.

— Алҳамдулиллаҳ, улуғ устозларимиз шарофатидан, мана, қарийб ўттиз йилдир, Мир Араб мадрасасасида ҳадис, фикҳ, тасаввуф, хатоба, хаттотлик каби фанлардан сабоқ бериб келаман. Турли йиллари “Хўжа Зайниддин”, “Масжиди Калон”, “Баҳоуддин Нақшбанд” жомеъ масжидларида имом-хатиблик қилдим. 1997 йилдан буён Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг Бухоро вилояти бўйича вакилиман. 1992 йили “Муҳаммад пайгамбар қиссаси”. Ҳадислар китобидаги минг бир ҳадисни, Абдулқаҳҳор Шошийнинг

“Мифтоҳул қироа” (“Қироат калити”) китобидаги “Шайх Санъон” қиссасини настаълиқ хагида кўчирганман. 2003 йили Абдулкарим Самъонийнинг машҳур “Ал-Ансоб” (“Насабнома”) асаридан VIII—XII асрда яшган мовароуннаҳрлик олимлар ҳақидаги маълумотларни шогирдим Комилжон Раҳимов билан ўзбекчага ўғирдик (“Бухоро” нашриёти, 2003).

Ўтган йилнинг 15—25 декабр кунлари Миср элчихонаси Фан ва таълим марказида ўтказилган “Ҳарфлар жилоси” кўргазмасида ишларимиз совринли учинчи ўринни олди. Ҳозир “Шарқ хаттотлик ва миниатюра санъати (VII—XXI асрлар)”

лари олиб борилди. Бу зот Ислом оламида “Шайхуш шуюх” (Шайхлар шайхи) номи билан танилган. Ҳазратнинг қабрлари устига Бухоро услубида мовий гумбаз бино қилинди. Бу ердаги масжид олдида минора қад ростламоқда.

Абдурахим қурро Торобий, Муҳаммад Ҳусайн, Мавлоно Фахриддин Муҳаммад Шористоний, Мавлоно Рукниддин Абдурахим Шористоний, Бобойи Модар Шористоний, Мавлоно Жамолиддин Шористоний, Мавлоно Сирожиддин Муҳаммад Қазвиний ва бошқа шористонийлар, Хожа Абдуллоҳ Барқий, Мавлоно Жамолиддин Ха-

тайёрловчи), хаттотлик (хат ёзувчи), заҳҳоблик (олтин ҳал берувчи), наққошлик (нақш чизувчи), лаввоҳлик (сарлавҳа ва жадвалларни зийнатловчи), пошчилик (олтин сувини юлдуз каби сочувчи), мусаввирлик (қўлёзмага миниатюралар ишловчи) ва саҳҳофлик (муқовасоз) каби китобат санъати хунарлари ўргатилади. Зеро, Марказий Осиё халқининг таҳминан ўн беш асрлик илмий-адабий, тарихий мероси давримизгача асосан қўлёзма шаклида етиб келган.

— *Ўқиш-ўрганиш, ҳаётни қузатиш жараёнида кишида айтилиши қанимат туюлган фикр-*

# ИХЛОС, САДОҚАТ БЎЛСИН

*бўйича вакили Абдуғафур Раззоқ Бухорий билан суҳбат*

суратлар тўпламини ўзбек, рус, инглиз, француз ва араб тилларида чоп этиш арафасида турибмиз. Убайдулла Уватов, Муҳайёхон Қозоқова билан ҳамкорликда ўрдунлик тарихчи Эҳсон Зуннун Абдуллатиф Сомирийнинг “Бухоро шаҳрининг маданий тарихи” китобини таржима қилдик.

— *Улуғ алломалар меросини халққа етказиш учун яна нималар қилиш лозим деб ўйлайсиз?*

— Бухорода яшаб (XIV -XV аср), араб, форс, туркий тилларида ижод қилган валиюллоҳ шоир Хожа Исмадуллоҳ Бухорий мақбараси қайта обод қилинди, маҳобатли гумбаз кўтарилди.

Хожагон-Нақшбандия тарикатининг йирик намояндаси, бухоролик етти пирнинг олтинчиси ҳазрат Саййид Амир Кулол 680—772/1282—1372 зиёратгоҳида ҳам катта қурилиш иш-

лаф Бухорий, Шайх Абу Бакр Исҳоқ Калободий, Хожа Ҳасан Андоқий, Муҳаммад ибн Абу Бакр Бухорий, Имом Саъиддин, Имом Рукниддин Шаҳид Мавлоно Носириддин, Мавлоно Абдурахмон Бухорий, Хожа Муҳаммад Юсуф, Муҳаммад Қосим Бухорий Дарвозаи обий, Хожа Муқим, Хожа Гулрез, Аҳмад Дониш каби йирик алломалар дафн этилган ва советлар даврида йўқ қилинган қадимий қабристон ҳам қайта тикланди. Бу ерда дафн этилган уламолар рўйхати тузилди. Қабристон эски номи билан “Даҳмаи Беҳиштиён” (Жаннатийлар қабристони) деб аталди.

Советлар даврида йўқ қилинган “Тали ғарибон”, Абу Ҳафс Кабир Бухорий мозори ҳам таъмирланяпти. Улуғбек мадрасасида Бухоро хаттотлик мактаби иш бошлайди. Мазкур мактабда қоғозрезлик (қоғоз

*лар туғилади. Сиз ёшларга нималарни таъкидлаб айтган бўлардингиз?*

— Албатта, айтадиганларим бор. Жумладан, талаба илм йўлини танлабдими, унга ихлос, сидқу вафо ҳамроҳ бўлсин. Аллоҳ розилиги учун илм олсин, илмни мансаб, молу давлатга эришиш учун ўрганмасин. Зеро, Алишер Навоий таъкидлаганларидек,

*“Илми ким воситани жоҳ этар,  
Ўзинию халқни гумроҳ этар”.*

Яна илм толиби юрт тарихини, улуғ алломалар меросини чуқур билсин. У турли илмларни, масалан, дунё халқлари маданияти, тарихи, урф-одатларини ҳам билиши лозим.

**Вафо ФАЙЗУЛЛОҲ**  
*суҳбатлашди*

## Инсон умри бебаҳо

Мен мусулмон рус аёлиман. Йигирма бир ёшимда Санкт-Петербургда Ислонни қабул қилдим. Анча машҳур зиёли инсон оиласида тарбияландим. Болалигимдан турли миллат ва этниқод одамлари орасида улгайдим. Одамларни миллати ёки ижтимоий келиб чиқишига қараб эмас, ахлоқий сифатларига, маънавий оламига қараб ҳурмат қилишни ўргандим.

Анча йил Олмаотада яшадик. Бу шаҳарнинг шарқона руҳи, файзи шууримга яқин, ёқимли эди. Айниқса, шиддаткор дунёда баъзан унутилиб бораётган меҳроқибат, ота-онага мулоийм муомала, никоҳга, фарзанд тарбиясига масъулият каби тушунчалар мен учун қадрли бўлиб қолди.

Шунинг учун ҳам мен Ислонни қабул қилдим. Сўнгра турмуш ўртоғим ҳам бу динни ўрганди, мусулмон бўлди.

Бугун аёллар ҳам мансаб поғоналарига интилиб яшашмоқда. Баъзилари ҳатто меҳрибон она бўлишни ҳам исташмайди.

Ислон дини туфайли ҳаётим тамомила ўзгарди. Киши Ислонни қабул қилса, ҳаёти эртақлардагидек бирданига яхшиланиб қолмайди. Бунинг ҳам заҳмати, масъулияти бор.

Бугун мен шунчаки яшай олмайман. Дўстларимга, яқинларимга яхшиликлар қилгим келади. Одамлар орасидаги масофа меҳр ва ишонч туфайли яқин бўлишини хоҳлайман.

Шифокор сифатида менга ҳар бир инсон умри бебаҳодир. Динимизда инсонлар, улар ўртасида яхши муносабатлар юксак қадрлигини билдим. Энди шунга муносиб яшашим керак.

**НОИЛА,**  
Islam.ru



## КЎНГИЛ ГАВҲАРИ

Ўшанда вилоятлардан бирига тўйга борган эдик. Келинга дугона эдим. Куёвни ҳам танирдим. Никоҳ ўқиладиганида гувоҳлар қаторида ўтирдим.

Тўйдан олдинги югур-югурларнинг ҳаммасида келин билан бирга юрдим. Тўй либоси қидириб, биз ҳам икки кун овозаю сарсон бўлганмиз. Битта туфли учун роппа-роса бир кунимиз бозорда ўтгани ҳам эсимда.

Никоҳ ўқиладиган пайти мен кутмаган воқеа рўй берди. Мулла бундай ҳолларга кўникиб қолганми, калимани биласизларми, деб сўради. Йўқ деган жавоб олгач, ўзи айтиб турди, келин-куёв такрорлашди. Мен бўшашиб кетдим. Никоҳ ўқиб бўлингач, дугонам менга, ҳаяжоннинг зўридан эсимдан чиқиб қолди, деди (чунки никоҳдан аввалроқ унга калимани такрорлаттирган эдим). Тўйдан бир неча кун кейин "тафсилотлар"ни эслаб ўтириб, куёвга ўша воқеани айтдим. Индамай, ерга қаради.

Ўша пайт ўзим тан олманган бир хатони ўйлайман. Ахир, мен келин-куёв билан яқин эдим. Аммо бу яқинликни бугун нима деб аташни билмайман. Икковининг ҳам кўнгил гавҳари ҳисобланмиш имон калимасини билмаслигидан беҳабар юрган инсон уларга ким саналади? Дўстми, дугонами?

Зеро, улар биримизга ака ё опа, биримизга ука ё сингил, яна бировимизга дугона ёки дўст. Яқинларимизни фақат керак бўлганида эмас, бошқа пайтларда ҳам сўраб турайлик, демоқчидан. Динимиз аҳкомлари айрим маросимлардагина эмас, балки умр бўйи бизга зарур эканини англадим.

Инсон қалбига имон берадиган ҳаловатни бошқа ҳеч нарса беролмайди. Бу калималар доимо дилимизда бўлиши керак. Улар боқий ҳаётга қадам қўяётган асл ҳаяжонли онларимизда ҳам сўнгги сўзимиз бўлсин.

**Зумрад ФОЗИЛЖОН** қизи

# ТОТУВЛИК КАЛИТИ

\* \* \*

Йигит минг бир андиша билан қиздан сўради: «Турмуш қурсак, менга қўядиган энг катта шартингиз нима? Яъни, турмушда нимага кўпроқ аҳамият беришим керак?»

Қиз юз минг истиҳола ила: «Энг катта шартим — ҳалол луқма», дея жавоб берди.

\* \* \*

«Табриклаيمان, яқинда она бўлар экансиз-да».

«Раҳмат, аммо ташвишдаман».

«Нега энди, бундан ортиқ бахт бор эканми?»

«Гапингиз рост, лекин фитрати пок боламини қандай инсон қилиб етиштираман? Унга муносиб она бўла аламанми?.. Шунақа ўй-хаёллар мени қийнайди».

\* \* \*

Нозима жуда қийналиб кетди. Иши ҳам орқага кетяпти, ёзган хатига ҳам жавоб йўқ. Шу топда ҳаёт кўзига жуда машаққатли кўриниб кетди. Келажагини ўйлашга чўчиди. Қутулиш эшиклари унинг учун ёпиқдай...

Автобусда кетаркан, оғриқли ўй-хаёллар бошида чирпиракдек айланар эди.

Бир отахон автобусга чиқиб, унинг тепасига келиб турди. Нозима дарҳол жой бўшатди. Отахон ўриндикқа ўтираркан, дуо қила кетди: «Умрингдан барака топ, қизим. Аллоҳ оғирингни енгил қилсин. Ишларинг ўнгидан келиб, эртанг ёруғ бўлсин. Аллоҳ сени ҳеч қачон ёлғизлатмасин...»

Нозиманинг юрагига ёруғлик инди.

«Аллоҳим, мени ёлғиз қўйма!».

Бу сўзни неча марта такрорлади — билмайди, аммо кутилмаган телефон қўнғироғидан кейин юз-кўзида севинч балқиб кетди.

\* \* \*

— Қизим, Гулсоранинг қизимисан?

— Ҳа, аммо мени қаердан танийсиз? Сизни олдин кўрмаган эканман.

— Фарзанд ота-онасининг меросхўри. Хулқу атворда ҳам, муомалада ҳам, ҳатто қадам босишда ҳам ота-онасини такрорлайди. Сени ҳам нигоҳингдан ва гапиришингдан танидим, қизим...

\* \* \*

Аёл оиласидаги жанжаллардан зерикди, кўшни аёлнинг осудалиги ва иноқлиги сабабини сўрамоқчи бўлди. Остонасига қадам босаркан, кўёшдай яшнаб турган чеҳрасига ҳавас билан боқиб, «Эри яхши-да», деб ўйлади. Муддаосини айтгач, кўшни аёл бундай деди:

«Ҳаётдан ўрганганим энг катта ҳақиқат — тотувликнинг калити очиқюзлик ва қаноат экан. Эрим агар ёмон кайфиятда келса, очиқ чеҳрам билан юмшатаман. Рўзғордаги ҳар хил ҳолат учун шукр қиламан. Орзу-ҳавас деб хархаша қилавермайман, мол-дунё деб бошимдаги соябоним — эримни қийнаб, ўзимдан бездирмайман. Жанжал чиқса, уйимдан қирқ кун барака кетади. Оддийгина, галвасиз, ширин ҳаётга нима етсин».

## Зебунисо ҲУСАЙН қизи



\* Одам руҳий толиқиш, ортиқча асабийлашиш туфайли ҳам семириши мумкин экан. Мутахассислар кузатишича, аксарият аёллар тез-тез ғазабланиш ёки тушкунликка тушиш сабабли овқатланиш вақти ва меъёрини унутишади. Бундай вазиятларда аёл ўзини қўлга олиши, иродали бўлиши зарур.

## Фойдали маслаҳатлар

Китоб ўқиса, гулларни парваришласа, бичиш-тиқиш билан шуғулланса, руҳий изтироблардан бир оз чалғийди. Аллоҳни кўп зикр қилса, дарддан халос бўлади.

\* Оёқ тирноқлари илозни каби нотекис бўлиб қолса, бу танада дармондорилар, жумладан, калсий етишмаётганини билдиради. Тухум пўчоғини туйиб, кунига уч-тўрт маҳал сув билан ичиб ё овқатга қўшиб еб турсангиз, фойдали бўлади.

\* Шамоллашнинг олдини олиш учун ярим чой қошиқ тузни бир истикон сувда эритиб, оғзингизни чайинг. Шунда оғизнинг шиллиқ қаватига вируслар ва бактериялар илашмайди.

\* Дори ичишда энг оддий ва зарарсиз қондани ёдда тутинг: шифокор дориларни қандай ичиш ҳақида айтмаган бўлса, уларни қайнаган сув билан ичинг. Бунда сув ярим истикондан кам бўлмасин.

\* Уйқуга ётиш олдидан бир истикон қатиқ ёки сут ичиш фойдали (кетидан оғизни чайиш шарт билан).

# БУРКИНА-ФАСО РЕСПУБЛИКАСИ



Илгари “Юқори Волта” деб аталган бу мамлакат ғарбий Африқода жойлашган. Милонинг ўн биринчи асрида ҳозирги Гана ҳудудида яшовчи кўчманчи метис қабилалари Юқори Волта кенгликларига келиб ўрнаша бошлади. Аммо ўлканинг ғарбий қисмида яшаётган ва мустақкам сиёсий ташкилотларга эга бўлмаган ҳозирги ўтроқ бобо, лоби, гуси халқларининг аجدодлари уларга қақшатқич зарба бера олишди. Вақт ўтиши билан келгиндилар маҳаллий аҳоли билан чапишиб кетишди ҳамда унинг тили ва динини қабул қилишди. Кейинчалик кўчманчиларнинг фарзандлари мосиларнинг Ятенга, Уагадугу, Тенкодого, Фадан-

**Майдони:** 274122 кв. км. ✓  
**Аҳолиси:** 12,3 миллион киши. ✓  
**Пойтахти:** Уагадугу. ✓  
**Тузumi:** республика. ✓  
**Давлат бошлиғи:** президент. ✓  
**Маъмурий тузилиши:** 45 та вилоятдан ташкил топган. ✓  
**Йирик шаҳарлари:** Бобо-Диуласо, Кудугу. ✓  
**Пул бирлиги:** африқо франки. ✓



манчи асрда унинг тузumi бир неча бор ўзгарди. Аввалига у Франсиянинг денгизортидаги қарам ўлкаси, кейинчалик Нигер таркибида, сўнг яна алоҳида мустамлака бўлди. 1932 йили халқаро иқтисодий бўҳрон шароитида мустамлакаларини бошқариш харажатларини қисқартириш мақсадида Франсия Юқори Волта ҳудудини бир неча қўшни мустамлакаларга тақсимлаб берди. Ўтган асрнинг иккинчи ярмида мамлакатда бир неча бор ҳарбий ва давлат тўнтаришлари, Мали билан чегара ихтилофлари содир бўлиб, аҳолининг тинчлиги, осойишталигига путур етди.



гурма каби давлатлари ҳукмдорларига айланишди.

Ўн тўртинчи-ўн олтинчи асрларда Ятенга давлати армияси Мали ва Сонгай давлатларининг бир қисмини босиб олди. Ўн тўққизинчи аср охирига келиб, Оврупадаги истилочи давлатлар Африқонинг бошқа жойлари каби Юқори Волта ерларига ҳам кўз олайтира бошлади. 1895 йили фаранг қўшинлари Ятенга давлатини босиб олди. Мамлакат 1960 йил 5 августда мустақилликка эришгунича Франсия ҳукмронлиги остида бўлди. Йигир-

Буркина-Фасо деҳқончилик устун мамлакат саналади. Саноти унча тараққий қилмаган. Фойдали қазилмалардан симоб, марганес, олтин, фосфат, никел, мрамар қазиб олинади. Ёғоч-тахта ишлаб чиқариш бирмунча ривожланган. Тўқимачи-





лик, тери-пойабзал, ёғ-мой, пахта то-залаш корхоналари ҳам ишлаб турибди. Дарё балиқчилиги йўлга қўйилган. Қишлоқ хўжалигида ерёнғоқ, мойли палма, шакарқамиш, пахта етиштирилади. Четга асосан пахта, олтин, қорамол ва чорва маҳсулотлари чиқаради. Хориждан оғир машинасозлик, кимё саноати маҳсулотлари, транспорт ускуналари, тозаланган нефт маҳсулотлари, халқ истеъмоли моллари ва озиқ-овқат харид қилади. Кўпроқ Франция, Италия, Тайланд, Тайван, Нигерия, Нигер каби мамлакатлар билан савдо-иқтисодий алоқалари ўрнатган.



Мамлакат аҳолисининг ярмидан кўпини волта гуруҳига кирувчи моси халқи, қолганини эса лоби, бобо, грузи халқлари ташкил этади. Бу мамлакатга Ислом дини ўн олтинчи асрда Сонгай давлати мусулмонлари орқали кириб келган. Ҳозир мамлакат аҳолисининг ярмидан ортигини мусулмонлар ташкил этади. Аҳолининг салкам қирқ фоизи мажусийлар, ўн фоизи католиклардир. Мамлакатда кейинги пайтларда ўнлаб масжид барпо қилинди, диний ходимлар тайёрлайдиган билим юрти фаолият бошлади. Шунингдек, Нигер, Миср ва Малида ҳам мазкур мамлакат учун диний соҳа мутахассислари тайёрлаш йўлга қўйилган. Буркина-Фасо Ислом Конференсияси Ташкилотига аъзо бўлган.

**Аҳмад ТУРСУН**

*Манбалар:*

1. «Страны мира», справочник, Москва, 2003 г. стр. 293-296.
2. «Атлас мира», справочник, Москва, 2003 г. стр. 67.
3. Интернет сайтлари.

### **Кувноқ ва зукко ёшлар**

Яқинда Наманган шаҳрида ўрта махсус касб хунар коллежлари талабалари ўртасида “Кувноқлар ва зукколар” кўрик танлови бўлиб ўтди. Танловда муваффақиятли қатнашган “Мулла Қирғиз” Ислом ўрта-махсус билим юрти талабалари иккинчи ўринга муносиб кўрилди

### **“Йил ўқитувчиси” голиби**

9 феврал куни мазкур мадраса мударрислари ўртасида “Йил ўқитувчиси” кўрик-танлови якунланди. Танловда голиб чиққан Абдулбоқи Турсунов республика босқичига йўлланма олди.

### **Аъзамжон ва Жаъфарбекнинг муваффақияти**

Ўтган 2007 йил “Мулла Қирғиз” мадрасаси талабалари халқаро мусобақаларда билимларини синаяб кўришди. Август ойида Техрон шаҳрида ўтказилган халқаро Куръон мусобақасида 3-курс талабаси Аъзам Дадамирзаев, сентябр ойида эса Миср Араб Республикасида ўтган шундай мусобақада 2-курс талабаси Жаъфар Сўпиев фаол иштирок этиб, фахрли ўринларни эгаллашди.

**Абдулазиз БОБОМИРЗАЕВ,**

*“Мулла Қирғиз” Ислом ўрта-махсус билим юрти мудури*

### **“Заковат”да куч синашди**

Китоб шаҳридаги “Хожа Бухорий” Ислом ўрта-махсус билим юртининг 4<sup>А</sup> ва 4<sup>Б</sup> гуруҳ талабалари “Заковат” илмий-амалий тадбирида ҳуқуқ ва фикр фанлари бўйича олган билимларини синаб кўришди. Ўшанда 4<sup>Б</sup> гуруҳ ютиб чиқди. Голибларга эсдалик совғалари берилди.

### **Ватан сабоқлари**

Шу йил 14 январ куни мазкур билим юрти мударрис ва талабалари Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан «Мардлар кўриқлайди Ватанни», «Юрт тинчлигини сақлаш ҳар биримизнинг бурчимиз» мавзуларида давра суҳбати ўтказишди. Тадбир талабалар қалбида Ватанга муҳаббатни кучайтиришда, юрт олдидаги бурчни ҳис қилишида ўзига хос сабоқ бўлди.

### **Умид**

Китоб туманининг маданият саройида академик лицей ва коллежлар талабалари ўртасида ўтказилган “Темурий баҳодирлар” номли кўрик-танловда Хожа Бухорий Ислом ўрта-махсус билим юртининг 3<sup>Б</sup> гуруҳ талабаси Имомиддин Аҳроров биринчи ўринни эгаллаб, танловнинг вилоят босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди. Имомиддиндан келгусида ҳам яхши натижаларни умид қиламиз.

**Аҳмад БОЙҚОБИЛОВ,**

*“Хожа Бухорий” мадрасаси мудури*

# ТАВБА ОСТОНАСИДА

Алишер Навоий “Лисонут тайр” достонида одоб-ахлоққа доир қарашларини, инсон руҳий камолотининг маънавий асосларини ўзига хос йўсинда баён қилади. Кичик-кичик тарихий ҳикоятлар, қушларнинг ўзаро савол-жавобларидан “Лисонут тайр”нинг воқеалар чигизи, бутунлиги майдонга келади. Жуда оддий, майда кўринган бир масала ҳам дostonда илгари сури-лаётган бош тамойил, шоирнинг эзгу нияти учун хизмат қилади.

Дostonда ҳар бир инсонга ибрат бўладиган, ҳар кимнинг саодати ва охирати ободлиги учун жуда муҳим бир лавҳа бор. Қушлар бир-бир узр айтганидан кейин, Худхудга ўз аҳволлари юзасидан саволлар беради. Нафсларига, ботини ва зоҳирига қайта назар ташлаб, табиатидаги қусурларидан сўз очади ёки кейинги йўлини ойдin-лаштириб олиш мақсадида саволларига жавоб излайди. Мана, ўшандай қушлардан бирининг андишаси:

*Деди бир қушким: “Қилибмен кўп гуноҳ,  
Бу уятдин асру<sup>1</sup> ҳолимдур табоҳ<sup>2</sup>.  
Зоеъ айлабтур мени олудалиғ<sup>3</sup>  
Қўймас ул йўлга бу ғам фарсудалиғ<sup>4</sup>.  
Чун нажосатдин жабиндур лавснок<sup>5</sup>,  
Анга не нисбатдурур Симуруғи пок.  
Пок васлиға керактур поклик,  
Йўқки, лавси журм аро бебоклик<sup>6</sup>.  
Ул ориғ<sup>7</sup>, менда ориғсизлиғ сифот,  
Васлини истарға монёбдур уёт”.*

Ўзлигини англаган бу қуш Семурғнинг пок-домонлигини, унинг ҳузурига боришдан уяли-шини, гуноҳлари кўплигини эътироф этади. Феъ-лидаги нуқсонларни англашга ҳамма ҳам қодир бўлавермайди. Бу ҳам Яратганнинг бир инъоми, инояти. “Мен бу покиза йўлдан юришга лойиқ-манми, мен гуноҳлардан қаро бўлган юзим билан ҳақ қошига қандай бораман”, деган андиша имонли инсонларни безовта қилади. Бу қушга Худхуд нима деб насиҳат қилди? Унга қандай йўл кўрсатди?

Худхуднинг насиҳати мазмунан бундай: сен гуноҳларингни англабсан, эндиги вазифанг ундан халос бўлиш, аҳволингни ўзгартиришдир. Ҳеч бир махлуқ дунёда абадий қолмайди, охир-оқибат ўлимга юз тутади. Агар гуноҳкор ҳолда ўлсанг, нодону гофилсан; оқил кишилар наздида жоҳилсан. Асли-да ўзини англаганлар бундай гуноҳдан қутулиши мумкин. Бунинг учун нима қилиш керак?

*Тавбадур они оригмоққа илож,  
Зулмати исён аро будир сирож.*

Демак, гуноҳдан қутулиб, кўнгилни хотир-жам қилишнинг ягона йўли тавбадир. Тавба би-

лан кўнгилдаги тугунлар ечилади. Тавба билан гуноҳлар ювилади. Тавба исён зулматини ёрита-диган чироқдир. Қушлар ўртасидаги муаммони ҳал қиладиган, дoston воқеалари ички ҳаракати таъминлайдиган калит сўз “тавба”. Алишер Навоий дилидаги улкан маърифати сабоғи тавба тушунчасида мужассамдир. Зеро, Аллоҳга юзлан-ган, Унинг висолини истаган, У зотга юкинган ва Унинг мағфиратидан умид қилган ҳар қандай кимса тавба-тазарру билан гуноҳлардан покла-ниб олиши лозим. Шу боис сўфийлик тариқат-ларисида тавба солиқ учун энг аввалги мақом си-фатида таърифланади.

Шоир учун тавба тушунчасининг мўътабар асоси нима? Шу ўринда олдин Алишер Навоий-нинг “Маҳбубул кулуб” асарига назар ташлай-миз: “Ҳақиқий тавба ёмон феъллар қабохатидан хабардор бўлиш ва Ҳақ мадади билан ўша феъл-лардан узоқлашишдир. Тавба гуноҳкор банданинг кўнгил кўзгусини гуноҳ зангидан тозалайди ва афв сайқали билан у кўзгуни ёритади”.

Аслида кишининг тўғри йўлдан озишига “шум нафс” сабабчи бўлади. У “ҳодийи тавфиқ” билан ўз ҳолидан огоҳ бўлиб, гуноҳини англаганида “уят дуди димоғидан” чиқади, гуноҳларга қайт-маслик шарти билан тавба йўлига киради.

“Бу мартаба тариқат аҳлининг аввалги гомидур ва мақсад водийининг аввалги манзилига ҳомийдур. Бу саодат кишига ўзлугидин етмак «маъша залика фазлуллоҳ юътиҳа ман яшаъ» (“Бу (яъни, ваъда қилинган мағфират ва жаннат) Аллоҳнинг фазлу марҳамати бўлиб, уни Ўзи хоҳлаган кишиларга ато этур” (Ҳадид, 21). Ҳар соҳиби давлатка бу огоҳлик бир васила бирла етибдур ва ҳар саодатманд бу иқболни бир восита била касб этибдур”<sup>8</sup>. Аллоҳ Ўзи хоҳлаган ки-шиларга тавбани насиб қилади. Ҳаётда бутун гу-ноҳлари билан охират диёрига сафар қиладиган, келиб-кетиш моҳиятини мутлақо англамайдиган, тавба-тазарру саодатидан бебахра кимсалар ҳам бўлиши мумкин. Аллоҳ асрасин. Гуноҳкор банд-ларга тавба насиб этсин; Аллоҳнинг мағфирати-дан қуруқ қолишмасин.

Алишер Навоий тавбага доир фикрини Қуръ-они карим ояти билан исботлайди. Бусиз мут-лақо мумкин эмас.

Ҳаётда гуноҳ ва айбсиз, нуқсон ва камчи-ликсиз одам йўқ. Аллоҳ инсон зотини шундай яратди. “Журм лавсидин киши маъсум эмас, Бўйла исмат кимсага маълум эмас”. Худхуд ўз гуноҳига иқрор бўлган қушга буни уқтириб:

*“Бўлмаса сендин гуноҳ, эй бехабар,  
Афву раҳмат кимга бўлғай чорагар”, дейди.*



Эй беҳабар, агар сен гуноҳ иш қилмасанг, Аллоҳ афву раҳмат билан кимнинг гуноҳидан ўтади? Аллоҳ сен каби ҳолис тавба қилган кимсаларнинг гуноҳидан ўтади, албатта.

Бу байтнинг моҳияти: **“Албатта Аллоҳнинг тавбаларни қабул қилиши фақат бирорта гуноҳни нодонлик билан қилиб қўйиб, сўнгра дарҳол тавба қилган киши учундир. Аллоҳ ана шундай кишиларнинг тавбасини қабул қилур”** (Нисо, 17), деган оят мазмунига мувофиқдир. Зеро, тавба эшиги доимо очиқ. Фақат остонадан ичкари ҳатламоқ лозим.

Худҳуд кушга гапиришда давом этиб, бундай дебди:

*“Журмдин улким юзи бўлғай сариғ,  
Тавба айлар ул сариғлиғни ориғ.  
Баҳри раҳмат мавжга кирган замон,  
Пок ўлур сен-мен киби юз минг раvon”.*

Юздаги сариғликни, гуноҳни кетказишнинг йўли тавба. Тавба — покликка йўл.

Тавба туфайли банда хасталиклардан халос бўлади. Аллоҳнинг раҳмат денгизи мавжланганида, гуноҳлар ювилади, банда ораста бўлади. Қуръони карим оятларида ҳолис тавба қилган мўминларнинг нажот топишига доир хитоблар келади. Ҳолис Аллоҳ учун тавба қилган киши қайтиб гуноҳларга қўл урмайди. Тавбадан мақсад поклик. Тавбадан мақсад Аллоҳнинг ризолиги. **“Албатта, Аллоҳ тавба қилувчиларни ва ўзларини мудом пок тутувчиларни севади”** (Бақара, 222). Айни мавзуда Расуллулоҳдан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ушбу ҳадис ривоят қилинган: **“Тавба қилувчи киши Аллоҳнинг суйган қулидир. Гуноҳдан тавба қилар экан, гўё у гуноҳи йўқ киши кабидир”** (Ибн Можа ривояти)<sup>9</sup>. Ўзини англаган киши учун тавбанинг аҳамияти катта. Аслида инсоният учун, ўз гуноҳқорлигини англаган ҳар бир ожиз банда учун тавба Одамдан (алайҳиссалом) меросдир. Алишер Навоий Худҳуднинг тавбага доир фикрларини ҳам ана шу қуръоний қисса билан қувватлантиради. Одам (алайҳиссалом) тавбасини

ҳикоят шаклида алоҳида намуна қилиб келтиради. Маълумки, Одам (алайҳиссалом) ман қилинган дарахт мевасини еб, гуноҳ қилди.

*“Кўксига рад панжасин еткурдилар,  
Равза жаннатидин они сурдилар”.*

Яъни, Одам (алайҳиссалом) жаннатдан қувилади.

Қуръони каримда бундай келади: **“Одам Парвардигорига осий бўлиб, йўлдан озди. Сўнгра Парвардигори уни сийлаб — Ўзига яқин қилиб, тавбасини қабул этди ва Тўғри йўлга ҳидоят қилди”** (Тоҳа, 121—122).

*“Жони ўртанган замон андоққи хас,  
Тавба ул ҳолига бўлди чорарас.  
Боғи раҳматдин яна эсти насим,  
Бўлди юз минг ранжу меҳнатдин салим.  
Тавбасига дастгир ўлди қабул,  
Айлади ҳурмат ҳаримида нузул”.*

Одам (алайҳиссалом) тавбаси боис Аллоҳнинг мағфиратига эришади. Худҳуд кушга шу ҳақиқатдан ўрнак олиб:

*“Тавба қилғил доғи беҳбудингга ет,  
Йўлга айлаб азм, мақсудингга ет”*,  
дея маслаҳат беради.

Достонда баён этилган тавба масаласи учун Қуръон ва ҳадис асос бўлган. Тавбанинг барча қирраси ана шу икки манба ҳикматига бориб тақалади. Совет замонида адабиётшунослар бу ҳақиқатни четлаб ўтишга мажбур бўлишди. Айнан “Лисонут тайр” таҳлил қилинган, мантикий асоси баён этилган саҳифаларда: **“Навоийнинг объектив борлиқ ва илоҳиёт ҳақидаги қарашлари Ислом дини таълимотидан ҳийла фарқ қилади ва ҳатто баъзи бир жиҳатлари билан унга зид келади”**, деган хато гапларни ёзишди<sup>10</sup>.

Шу маънода Алишер Навоий бадиий тафаккури ва дунёқарашининг гўзал намунаси бўлган “Лисонут тайр”нинг бетакрор мазмун-моҳияти остонада турган хатокор кимсани маънавий-руҳий покланиш, имоний тозаришнинг очиқ эшиги томон чорлаб туради.

**Баҳодир КАРИМ,**  
филология фанлари доктори

<sup>1</sup> Асру — кўп, жуда.

<sup>2</sup> Табоҳ — ёмон.

<sup>3</sup> Олудалиғ — гуноҳга ботиш.

<sup>4</sup> Тарсудалиғ — ҳорғинлик.

<sup>5</sup> Лавсноқ — нотоза.

<sup>6</sup> Бебоклик — бепарволик.

<sup>7</sup> Ориғ — пок, тоза.

<sup>8</sup> Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 14-том. 47—48-бетлар).

<sup>9</sup> Абу Ҳомид Ғаззолий. “Тавба”, 14-бет.

<sup>10</sup> Натан Маллаев. “Ўзбек адабиёти тарихи”, Т., 1976. 509-бет.

# ИСЛОМ ВА ОЛАМ



## Исо (алайҳиссалом) ҳақида филм



Эронлик режиссёр Нодир Толибзода Исо (алайҳиссалом) ҳақида янги филмни суратга олди. “Исо Рухulloх” номли ушбу филм ҳазрати Исо тарихига исломий

ёндашув билан яратилган илк кино асаридир.

Филм Эронда ўтган йил октябрда — Рамазон кунлари намойиш этилди. Нодир Толибзода айтишича, ушбу филм Ислому ва насронийлар ўртасида бир маънавий кўприк вази-фасини ўташи мумкин.

NewsMax

## Кўша қариганлар



Суриянинг Идлаб шаҳридан йигирма чақиримча узоқликдаги Малас қишлоғида етмиш йил бирга аҳил турмуш қурган чол-камбир бир кунда вафот этди.

Тўқсон ёшга кирган камбирини қабрга қўйиб улгурмасларидан кетидан тўқсон беш ёшли отахон ҳам бандаликни бажо келтирди.

Оқсоқол Абдул Карим Нажор айтишича, бундай ҳодиса олти минг аҳоли яшайдиган қишлоқда илк бор содир бўлиши. Чол-камбирнинг фарзандлари, олтмиш олти нафар неваравараси бир кунда бобо ва бувилари билан видолашишди.

РИА “Новости”

## Каъбани ювиш маросими

Январ ойининг ўн еттинчи куни Маккада Каъбани ювиш маросими ўтказилди. Каъба замзам ва махсус пуштиранг сув билан ҳар йили икки марта ювилади.



Маросимда Саудия Арабистони қироллиги расмий кишилари, мусулмон мамлакатлари элчихоналари вакиллари, шунингдек, турли минтақалардан келган умра-зиёратчилар иштирок этишди.

IINA, IslamNews

## Қатарда исломий санъат музейи

Шу йилнинг баҳорида Қатарда исломий санъат музейи очилади-ган бўлди. Музей биноси машҳур меъмор Йо Минг Пейнинг лойиҳаси асосида қурилди.



Париждаги Лувр минораси, Бостондаги Жон Кеннеди кутубхонаси, Гонконгдаги Хитой банки лойиҳаларини ҳам шу меъмор ишлаган. Мазкур музейда исломий санъатнинг турли даврларга оид дурдоналари намойиш этилади.

“Ислам для всех”, Gulf Times

## ОАВ ва кино воситасида

“Тамуддунлар иттифоқи” халқаро лойиҳаси ташаббускорларининг Мадридда ўтган би-



ринчи анжуманида Исломни ёмонотлиқ қилиш (исломфобия) муаммосига катта эътибор қаратилди. Турли миллатлар вакилларининг тотувлигини мустаҳкам-

лашда оммавий ахборот воситалари (ОАВ) ва ёшлар сиёсатининг ўрни муҳокама этилди.

Бутун ер юзидан юзлаб сиёсатчи арбоблар, машҳур шахслар иштирок этган икки кунлик тадбирда мустақил ОАВ жамғармаси очилди.

“Тамаддунлар иттифоқи” директори вазифасини бажарувчи Шомил Идрис мазкур жамғарма маданиятлараро тотувликни мустаҳкамлашга, Ислом ва мусулмонлар ҳақида нотўғри тасаввурларга чек қўювчи филмлар суратга олишни йўлга қўяди.

Анжуманнинг очилиш маросимида Испания бош вазири Хосе Луис Сапатеро, Туркия бош вазири Тоип Эрдўгон, БМТ бош котиби Пан Ги Мун ва Португалиянинг собиқ бош вазири Хархе Сампайо ва бошқалар ҳозир бўлишди.

### Буюк Британия ҳукумати қарори



Буюк Британия ҳукумати “ислом террорчилиги”, “ислом фанатлари” каби атамаларни қўллашдан воз кечиш тўғрисида қарор қабул қилди. Бирлашган қирол-

ликнинг хавфсизлик хизмати террорчиликни Ислом билан боғлаш тўғри эмаслигини, бу нарса мамлакатдаги мусулмон жамоалари нафратини кўзгаши, улар аҳолининг бошқа қатламларидан ажралиб қолишларига сабаб бўлиши мумкинлигини таъкидлади.

Буюк Британия ички ишлар вазири Жеки Смит террорчи зўравонлар ўз эътиқодига зид ҳаракат қилишини айтди. “Мамлакатимизда ҳам, бутун дунёда ҳам кимнидир қўрқитиш, фитна, суиқасд қилиш, озор бериш Ислом динида йўқ эканини мусулмонлар таъкидлашяпти. Демак, бундай ҳаракатларни Исломга қарши фаолият, деб аташдан бошқа илож йўқ”, дея таъкидлади.

*The Daily Mail, LentaRu*

### ЮНЕСКО эътирофи

ЮНЕСКО Сурия пойтахти Дамашқ шаҳрини 2008 йилнинг маданият пойтахти деб эълон қилди. Шу муносабат билан кўпчилик мутахассислар Ер юзиданги энг қадимги шаҳар ҳисоблаётган Дамашқда тантаналар бошланиб кетди. Байрам тадбирларида Туркия президенти Абдуллоҳ Гул, Қатар амири ҳамод ибн Халифа Тоний, Ливаннинг собиқ президенти Эмил Лохуд, Араб Давлатлари Лигаси (АДЛ) бош котиби Амр Мусо, ISESCO директори Абдул Азиз Тувайжирий ва бошқалар иштирок этишди.



*IINA*

### Бир триллион доллардан ортди

Ислом Конференцияси Ташкilotига аъзо мамлакатлар иқтисодиётининг ривожланиш рейтингини эълон қилинди. Унда



давлатга қарашли ва хусусий компаниялар ўтган йили эришган натижалар акс этган. Рўйхат бошида нефт қазиб олувчи Saudi Agamco компанияси турибди. Аммо ўтган йили энг катта ўсиш қурилиш компаниясига тегишли бўлиб, унинг фойдаси бир юз қирқ икки фоизга кўпайди.

Рўйхатдан Туркиянинг йигирма тўрт, Малайзиянинг ўн етти, Саудиянинг ўн беш, Индонезиянинг тўққиз, Бирлашган Араб Амирликларининг етти, шунингдек, Миср, Қувайт, Покистон, Эрон, Нигерия, Марокаш компаниялари ўрин олган.

Мусулмон мамлакатлари компанияларининг йиллик фойдаси бир триллион доллардан ошди, – дейди мазкур рейтингни чоп этган “Динар Стандарт” журнали муҳаррири Рафийуддин Шикоҳ.

*Ameinfo*

### Инглизчани қандай ўрганишяпти?

Ўтган ўқув йили яқунларига кўра, Буюк Британияда бошланғич мусулмон мактаблари ўқувчилари инглиз тили, математика ва



бошқа аниқ фанларни ўзлаштириш борасида оддий мактаблар ўқувчиларидан анча ўзиб кетишган. Болалар, мактаб ва оила ишлари

бўйича Департамент мутахассислари шу ҳақда маълум қилишди. “Muslim News” муҳаррири Аҳмад Варсий айтишича, мусулмонларнинг фарзандлари “етишмовчиликларга қарамай, давлат кўмагисиз” ишлаётган мактабларда ана шундай яхши натижаларга эришишяпти.

*“Ислам для всех”*

### Кенгаш раҳбари таклифи



Россия муфтийлари кенгаши раҳбари Равил Файнуддин мамлакатда Ислом музейини очиш таклифи билан чиқди. “Русияда мусулмонларга ва Исломга оид осори-отиқалар, қўлёзмалар ва бошқа бебаҳо ёдгорликлар жуда кўп. Бунёд эти-

лаётган Москва жомеъ масжидида ҳам музей ташкил этиш режаланган. Аммо биз, алоҳида, улкан бир музейимиз бўлишини хоҳлардик”, деди Муфтийлар кенгаши раҳбари.

*“Ислам в РФ”*

### Улуғ шайхнинг китоби

Москвадаги “Ансор” нашриёти билан Ислам.Ру мустақил исломий ахборот канали ҳамкорликда Шайх Абдулқодир Жилонийнинг (раҳматуллоҳи алайҳ) “Раскрытие сокрытого” (“Футухул ғайб”) китобини нашрга тайёрлади. Бу китобга буюк алломанинг етмиш саккиз сўхбати жамланган.

Абдулқодир Жилоний (вафоти 862/1166) қодирия тариқати асосчиси, элликдан ортиқ маърифий асарлар муаллифидир.

*Islam.ru*

### Машҳур опа-сингиллар

Марокашлик бу уч опа-сингил теле-томоша дастури туфайли бутун Нидерландияда машҳур бўлишди.

“Биз асли марокашлик голланд қизларимиз, Исломни қабул қилганимиз билан фахрланамиз”, дейди опа-сингилларнинг каттаси Эсма Алариачи. У сингиллари Ҳадича ва Ҳожар билан олдинроқ голланд телемарказ бешинчи каналида хусусий томоша дастурини очди. “Барчаси Ҳадичанинг бешинчи телеканалга келиши билан бошланди”, дея хотирайди Эсма.

“Мен бу қизда бошқача бир самимият, чиройли нутқ маданиятини кўрдим. У голланд тилида эса фасоҳат билан сўзларди, – деб эслайди дастур раҳбари Ям Койман. – У опа-сингиллар билан дастлабки чиқишларидаёқ турли ижтимоий муаммоларни қизгин муҳокама қилишга киришди”.

Опа-сингиллар дастури 2007 йилнинг энг яхши телекўрсатуви деб топилди.

Улар ўз дастурлари аҳамиятини Ислом дини ва мусулмонларга нисбатан янглиш тунчаларни ўнглашда деб билишади.

“Бизнинг кўрсатув туфайли одамлар онгида динимизга бўлган нотўғри қарашлар ўзгаряпти. Мақсадимиз Исломни ягона тинчлик ва бағрикенглик дини эканини, зўравонлик ва террор динимизга мутлақо ётлигини кўрсатиб беришдир”, дейишади опа-сингиллар.

**Насриддин ЖЕББИ,**  
*IslamOnline*

### ИКТ парламент иттифоқининг қарори

Ислом Конференцияси Ташкилоти парламент иттифоқи энди барча молиявий ҳаракатларини доллар билан эмас, евро орқали амалга оширади. Мазкур иттифоқ ижроия кўмитаси бунга тегишли қарор қабул қилди. Мутахассислар фикрича, АҚШ валютасининг тезлик билан қадрсизланиб бораётгани доллар ўрнига евро қўллашни тақозо этмоқда.

Айни чоқда ижроия кўмитадан маълум қилишларича, мазкур янгилик ИКТга аъзо бўлган эллик етти мамлакатнинг умумий жамғармадаги ҳиссаларига (тахминан 128 миллион доллар) таъсир этмайди.

*IINA*



## Тадқиқотчининг ташрифи

Саудия Арабистони пойтахти Риёз шаҳридаги Кўлёмалар халқаро тадқиқот маркази бўлим бошлиғи Ҳусайн Абдуллоҳ Сауд юртимизга ташриф буюрди. Меҳмон Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Усмонхон Алимов ҳузурда бўлди. Сўнгра “Ҳазрати Имом” мажмуасини, Ҳазрати Усмон Мухаффи ни зиёрат қилди. Идора кутубхонасида сақланаётган нодир кўлёмза китоблар билан танишди.

Азизхон ҲАКИМОВ

## Ўрганишга киришилди

Ўзбекистон мусулмонлари идорасида ишлаб чиқилган режага кўра, феврал ойидан бошлаб, идоранинг масъул ходимлари жойлардаги жомеъ масжидлари фаолиятини, имом-хатибларнинг жума мавъизалари савиясини, шунингдек, намозхонларга яратилган шароитларни ўрганишга киришишди. 15 феврал куни улар Тошкент шаҳрининг Мирзо Улуғбек, Миробод, Бектемир туманларидаги ўн икки жомеъа бўлишди, айрим таъмирталаб ишлар бўйича ҳамда лаш, баъзи имомларнинг маъвизалар таъсирчанлигини ошириш юзасидан тавсиялар беришди.

Зиёвуддин  
НИЗОМИДИНОВ

# ҲАР БИРИМИЗ МАСЪУЛМИЗ

Аллоҳ таоло мўмин бандаларга бундай амр этади:

**“Эй имон келтирганлар! Ўзларингизни ва оила аъзоларингизни ёқилгиси одамлар ва тошлар бўлмиш дўзахдан сақлангиз...”** (Таҳрим, б). **“Дўзахдан сақлангиз”** амрини икки дунё саодатига сабаб бўладиган солиҳ амалларга ўргатинг, деб тушунишимиз лозим. Ота-она фарзандини чиройли хулқли, дину динатли қилиб тарбиялаши керак. Пайғамбаримиз Муҳаммад муста-

**“Ҳар бирингиз тарбиячисиз ва ҳар бир тарбиячи қўл остидагиларга жавобгардир...”**

фо (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бундай деганлар: “Фарзандларингизга адаб беринг ва уларнинг одобларини чиройли қилинг”.

Ота-она фарзандини Аллоҳдан кўрқадиган, одамларга яхшилик қиладиган, ориятли, номусли қилиб ўстириши керак. Инсон адаби билан гўзалдир. Шу боис киши ёшлигиданоқ илм ва одобни ўрганиши зарур.

Ҳазрат Али (каррамаллоҳу ва жҳаху): “Фарзандларингизга давр илмини ўргатинглар, чунки улар сизнинг даврингиздан бошқа даврда дунёга келгандир”, деганлар.

Бу ўғитга амал қилган миллатнинг келажаги порлоқ бўлади. Зеро, ўзгараётган, янгиланаётган дунёнинг эртанги эҳтиёжини ўйлаб, ёшларга керак бўладиган илми ўргатсақкина, улар қийналмайди, миллат забардаст бўлади.

Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бундай деганлар: “Ер

юзидаги амалларнинг афзали учтадир: илм талаб қилиш, нафсига қарши курашиш ва касб қилиш. Илм талаб қиладиган киши Аллоҳнинг се-

викли бандасидир. Нафсига эрк бермайдиган инсон Аллоҳнинг яқинидир. Ҳунарли эса Аллоҳнинг дўстидир”.

Аллоҳ таоло фарзандларимизни имон-эътиқодли, одоб-ахлоқли, илм-ҳунарли, ватанига садоқатли қилиб тарбиялаб, камолни кўриш бахтини барчамизга насиб этсин. Бунинг учун ҳар биримиз масъулмиз.

Муҳаммадназар ҚАЮМОВ,

Тошкент шаҳридаги  
“Катта Қозиработ” жомеъ  
масжиди имом-хатиби



*Одамлар орасида юрсангиз, эзгу ишингиз ёки чиройли феълингиз эвазига албатта яхши гап эшитасиз, дуо оласиз. Дилингиз осмон қадар кўтарилади. Мабодо бир хунук иш қилсангиз ёки феълингиз чатоқ бўлса, ёмон гап эшитасиз. Кўнглингиз хира тортади, дунё кўзингизга қоронғудек кўринади. Бундан ҳам ёмони қарғишга қолишдан Ўзи асрасин. Мана бу холис иқрорлар ҳам яхшиликнинг меваси ёхуд ёмонликнинг бир асорати сифатида хукмингизга ҳавола этилди.*

# ЯХШИЛИК ВА ЁМОНЛИК

**Холида, 33 ёш, Қўқон.**

— Институтга киролмай юрган пайтим, туманимиздаги туғруқхоналардан бирида ишлаганман. Эндигина туққан ёки туғмоқчи бўлиб турган аёлларга оғринмай хизмат қилардим. Ҳатто раҳмим келганидан дўхтирлардан бекитиқча оналарга болаларини кўрсатардим... Иссиқ чой дейсизми, дори дейсизми, нима қилиб бўлса ҳам, уларни қувонтиришга тиришардим. Ахир, туғишда аёл қанчалик оғир дард чекишини ўз кўзим билан кўрардим, эшитардим.

Ўша кезлари ёш эканман, яхши дуоларининг қадри нечоғли қимматли эканини тушунмаганман. Улар кўзларига ёш олиб мени тинимсиз дуо қилишарди. “Кам бўлманг, тилагингизга, орзу-умидларингизга етинг, болаларингизнинг роҳатини кўринг...” дейишаётгани ҳамон кўз ўнгимда турибди.

Алҳамдулиллаҳ, бир йилдан сўнг талаба бўлдим. Турмушга ҳам чиқдим, шириндан-шакар ўғиллар кўрдим. Чиройли оилам бор. Албатта, бу бахтимнинг калити яхши дуолар шарофатидан дейман...

**Асқарали, 45 ёш, Андижон.**

— Она қадрини ота бўлсангиз биларкансиз.

Ўғлим бир қизни яхши кўриб қолган, шунга уйланаман, деб оёқ тирак турибди. Оилавий муҳити бизга тўғри келмайди, деб рад қилсам, қайсарлигини қўймапти. Жаҳлим чиқади. Бир неча кунгача унинг бу қилмишидан асабийлашиб юраман. Шунда отамга берган озорларим ёдимга тушди...

Отам кўшнимизнинг қизини келин қилмоқчи эди. Аммо мен аҳдимда қаттиқ туриб, бошқа бир қизга уйландим. Отам бир неча кун менга гап қўшмадилар. Аввалги самимият йўқолди. Онам эса, отангнинг кўнглини бекор оғритдинг, болам, дердилар. Мен аста-секин ҳаммаси изига тушиб кетади деб ўйловдим. Аммо ундай бўлмади. Аёлим узоқ яшамади. Уч йилдан сўнг оламдан ўтди. Икки болам етим қолди. Кейин билсам, отам қизнинг касали оғирлигини билгани учун ҳам рози бўлмаган экан. Яна уйландим, бахтим келишмади. Яна уйландим... Бо-

лаларим ўгай она қўлида кўп изтироб чекишди. Мен у кунларимни ҳеч кимга раво кўрмайман.

**Ҳилола, 22 ёш, Шаҳрисабз.**

— Отам узоқ вақт тўшакка михланиб қолдилар. Доим қаровга, меҳрга, ширин сўзга муҳтож эдилар. Ҳеч кимимиз олдиларида қаттиқ гапиришга ботинолмасдик. “Болаларимга оғирим тушиб қолди” деган хаёлга бормасинлар, деб иложи борича авайлардик.

Ёзги таътилда опам билан Тошкентга келиб, институтга кириш имтиҳонларини топширдик. Иккимиз ҳам ўқишга кирдик. Аммо ўша пайтда онамга ҳам дард илашди. Шунда иккимиздан биримиз ота-онамизга қарашимиз, ўқишдан воз кечишимиз керак бўлди. Опам воз кечолмади, боиси иккинчи йил деганда ўзи хоҳлаган ўқишга кирган эди. Менинг кўзимга мутлақ ўқиш кўринмади. Шаҳримга қайтдим. Ўқишга кирган дугоналарим аҳдимга ажабланишди...

Икки йил отамга қарадим. Ўқийлмаганим учун ўзларини айбдор ҳис қилиб, йиғлардилар. Вафот этишларидан олдин бошимни силаб, юзимдан ўпдилар. Нимадир демоқчи бўлдилар. Тилдан қолганлари боис ҳеч нимани тушунмадим, аммо хатти-ҳаракатларидан ҳақимга дуо қилганини сездим...





# БИР САВОЛ СЎРАСАМ...



*Саволларга Ўзбекистон мусулмонлари идораси  
фатво ҳайъати жавоб беради*

Тиббиёт коллежи-ни битирадиган пайтим, эшигимизга тагли-тугли, зиёли оиладан совчилар келишди. Қандай бахт, йигит дўхтирликни битирган экан. Кувончдан йиғладим. Ахир ўзим дўхтирликка кириб, ўқиёлмай қолган эдим. Раҳматли отамнинг ҳақимга қилган дуоларини эсладим.

**Бахтиёр, 28 ёш,  
Тошкент.**

— Савдода ишлайман. Гоҳида молим ўтсин учун ёмон молни ҳам мақтаб сотган кунларим бўлган.

Бир куни устбоши абгорроқ бир киши тоза асал сўраб келди. Мен унинг қурби етмаслигини билиб, тоза бўлмаган асални тоза деб алдаб сотдим. Ўша куни анчадан буён сотолмаган молимни сотганимдан гоят хурсанд эдим. Аммо...

*Савол: Баъзиларнинг кўча-кўйда овқат еб, писта чақиб юриши мени ажаблантиради. Мусулмоннинг кўчада юриш одобларини баён этсангиз.*

АЛИШЕР,  
Чортоқ

**Жавоб:** Аввало шуни билиш лозим: Уйдан кўчага “Бисмиллаҳи, таваккалту ʻалаллоҳ, ла ҳавла ва ла қуввата илла биллаҳ” (Аллоҳ номи билан, Аллоҳга таваккал қилдим, Ундан бошқада куч-қудрат йўқ), деб чиққан кишини қайтгунича Аллоҳ таоло бало-офатлардан омон қилиши хабарларда келган. Мусулмон кўчада камтарона, оҳиста, тўғри юриши лозим.

Кўчада у ёқ-бу ёққа анқайиб, аланглаб, таом еб, писта чақиб, ялангоёқ юриши, йўлда туфлаши, бурун қоқиши, одобсизликдир.

Кўчада ётган пўчоқ, тош, сим, шох-шабба каби йўловчиларга озор берувчи нарсаларни четга олиб ташлаш савобли иш.

Рўбарў келганларга салом бериш, саломга алик олиш динимиз кўрсатмасидир.

Агар ота, устоз, ёши улуғ кишилар билан бирга йўлга чиқилса, улардан бир-икки қадам орқада юриш керак, ижозат берсалар, ўнг ёнларида юрилади. Аёллар ҳам эрлари ёки маҳрамларидан бир оз орқада юришлари одобдандир.

Одамларнинг ўтишига ҳалақит бериб, йўл устида суҳбатлашиш, бақриб чақиритиш ёки шарақлаб қулиш одобсизликдир. Кўчада кетаётган ночор, кекса кишиларга ёрдамлашиш, уларнинг қўлларидан юқларини олиб ўзларини қўлтиқлаб олиш, ариқдан, катта йўлдан етаклаб ўтказиб қўйишнинг ажри кўпдир.

Кўчада ярим яланғоч ёки кир кийимларда юриш тарбиясизлик аломатидир.

Таниш билан учрашиб қолганда, лозим бўлса, йўл четига чиқиб сўзлашиш керак.

Йўлда кетаётганда очиқ эшиклардан ичкарига қарамаслик, бировнинг эшиги олдида турмаслик керак.

Кўчада, йўл ёқасида заруратсиз туриш ёки ўтириш дуруст эмас. Тўхтаб туриш лозим бўлганида, кўчанинг ҳаққини адо этиш; бировларга азият бермай, саломга алик олиш, ёмон ишларни кўрса, улардан қайтариб, яхши ишларга чорлаш лозим.

*Савол: Мусофир киши қачон муқимга иқтидо қилиши мумкин эмас? Сафарда ўқиёлмай қолган намознинг қазосини уйга қайтгач тўлиқ ўқийдими?*

ТУРСУНПҲҲЛАТ,  
Дехқонобод

**Жавоб:** Мусофир муқимга фақат намозни вақтида ўқиганида иқтидо қилиши мумкин. Бунда у муқим имом каби намозни тўлиқ ўқийди, қаср қилмайди. Аммо намоз вақти ўтиб кетган бўлса, мусофир муқимга иқтидо қилиши мумкин эмас. Муқим ҳар қандай ҳолда намоз вақтида ҳам намоз вақти ўтганда ҳам мусофирга иқтидо қилиши мумкин.

Мусофир муқимларга имом бўлса, намозни бошламасдан аввал ёки салом бергач, “Намозингизни тамомланг, мен мусофирман” дейиши мустаҳабдир. Тўрт ракатли намозларда муқим мусофирга иқтидо қилганида мусофир икки ракат ўқиб салом берганидан сўнг у қолган икки ракатини қироат қилмасдан ўқийди, яъни қиёмда бир тасбеҳ миқдори туриб рукуга боради.

Мусофир сафари чоғи вақтида ўқилмаган тўрт ракатли намозларни уйига қайтганида ўқиса, икки ракат ўқийди.

Ҳайъат раҳбари  
Абдулазиз МАНСУР

Эртаси куни дўконга солиқчилар келишди. Харидорларга сотилган маҳсулотларнинг чекини бермаганим учун жарима солишди. Алдаган кишим кўз олдимга келди. У асалнинг тоза эмаслигини билиб, ҳақимга ёмон дуолар қилгани тайин.

**РАЙҲОНА**  
тайёрлади

# ИККИ ЙИЛДА, ФАҚАТ ИККИ МАВЗУДА 935 ЁЛҒОН

Америка қўшма Штатлари 2001 йили Ироққа қарши ҳарбий тажовуз бошлаш учун иккита асосий сабабни – Ироқда оммавий қирғин қуроллари бор, деган ҳамда Саддам Хусайн ҳокимияти “Ал-қоида” террорчилик тармоғи билан алоқадор, деган даволарни рўқач қилиб кўрсатган эди. Кейин на қирғин қуроли топилди ва на Ироқнинг Усома ибн Лодин билан алоқаси исботланди.

Америка ҳукмдорлари Ироққа бостириб киришни асослаш учун ишлатган ёлғонлар фош бўлди ва Буш маъмурияти сиёсатига катта доғ бўлиб тушди. Энг асосийси, Оқ уй маъмурияти оддий америкаликларни алдаб ётган бир пайтда Американинг ўзида бу ёлғонларни далиллар билан фош этиб кўрсатган кўнгиллилар ҳам чиқиб қолди.

Икки нотижорий ташкилот – “Мустақил журналистика учун” жамғармаси ва “ҳукумат ҳаққонияти учун” маркази Оқ уйнинг 2001 – 2003 йиллар оралиғида Ироқ масаласида эълон қилган ёлғон баёнотлари сонини ҳисоблаб чиқди. “Ҳукумат ҳаққонияти учун” маркази ҳокимият тизимларида журналистика тафтиши ўтказишга ихтисослашган. Жамғарма эса Марказ ва унга ўхшаш ташкилотларни қўллаб-қувватлашни асосий мақсад қилиб олган.

2001 йилнинг 11 сентябридан 2003 йилнинг 11 сентябригача бўлган даврда президент ва маъмуриятнинг етти нафар юқори мартабали аъзоси томонидан берилган баёнотлар тадқиқотчилар эътиборига тушди. Булар вице-президент Дик Чейни, давлат котиби Колин Пауэлл, президентнинг миллий хавфсизлик бўйича маслаҳатчиси Кондолиза Райс, мудофаа вазири Доналд Рамсфелд, унинг ўринбосари Пол Вулфовиц, Оқ уй матбуот котиблари Ари Фляйшер ва Скотт Макклелланлар эди.

Жамғарма ходимлари икки мавзудаги: Ироқда оммавий қир-

гин қуроллари мавжудлиги ва Саддам Хусайн режимининг Усома ибн Лодин ташкилоти билан алоқаси ҳақидаги маълумотларга доир омма ҳузуридаги нутқлар, матбуот анжуманлари баёнотлари, суҳбатлар, қасам ичиб берилган гувоҳликлар ва бошқа манбаларни



ўрганиб чиқишди. Натижада беш юз иккита ҳужжат топишга муваффақ бўлинди. Уларда эса тўққиз юз ўттиз бешта ёлғон баёнот борлиги аниқланди.

Тадқиқотчилар ким қанча ёлғон баёнот берганини ҳам ҳисоблаб чиқишди. Шунга кўра:

- Жорж Буш – икки юз олтмишта;**
- Колин Пауэлл – икки юз эллик тўртта;**
- Доналд Рамсфелд – бир юз тўққизта;**
- Ари Фляйшер – бир юз тўққизта;**
- Пол Вулфовиц – саксон бешта;**
- Кондалисса Райс – эллик олтита;**
- Дик Чейни – қирқ саккизта;**
- Скотт Макклеллан – ўн тўртта ёлғон**

**ишлатган.**

Уруш олдидан америкаликларни лақиллатишгани анчадан буён маълум эди. Шунга қарамай, икки мустақил ташкилотнинг янги тадқиқотлари қимматлидир. У қандай қилиб АҚШда ахборот майдони ташкил этилиши, ижтимоий фикр шакллантирилиши ва пировардида бир хорижий давлат тақдири ҳал қилинишини очиқ намоиш этади.

**Василий ЧЕПЕЛЕВ**





дан кейин ушбу ҳужжат Оврупа Иттифоқиға тақдим этилади.

Дастлаб фаранг тилида тайёрланган хартия ҳуқуқшунос, тилшунос ва бошқа соҳалар мутахассислари назоратидан ўтказилди. Сўнгра Оврупанинг барча тиллари, шунингдек, арабчага ҳам таржима қилинди.

Ҳужжатда исломий таълимот асослари, Оврупада Ислот тарихи илдизлари баён этилган, мусулмонлар билан Оврупа ҳамжамияти алоқала-

аларини бирлаштириш гоёсини фақат табриклаш керак”, дея таъкидлади.

Маълумотларга кўра, ҳозир Оврупада йигирма миллионга яқин мусулмон истиқомат қилади. Бу миқдор минтақа аҳолисининг беш фоизидан кўпроғини ташкил этади. 2025 йилга бориб қитъадаги мусулмонлар сони икки баравар кўпайиши кутиляпти.

Оврупа Ислот ташкилотлари уюшмаси 1989 йили тузилган нотижорат ташкилотдир. Оврупада йигирма олти мамлакат вакиллари бу ташкилот доирасида бирлашиб, ўзаро ҳамкорлик қилишади.

Оврупа Парламенти вице-президенти Марио Маури: “Мазкур хартия маданиятлараро, динлараро мулоқотни мустаҳкамлашда янги имкониятлар очади”, дея таъкидлади.

Буюк Британия либерал-демократлар партияси вакили, Оврупа Парламенти аъзоси Лудфорд хоним, шунингдек, Оврупа Иттифоқи ижроия қўмитаси аъзолари ҳам Оврупада мусулмонларнинг яшаш йўл-йўриқлари баён этилган бу ҳужжатни қутлашди.

*Islamonline.ru*

# ОВРУПА МУСУЛМОНЛАРИ ХАРТИЯСИ

Шу йил 10 январ куни Оврупа Парламентида Оврупа мусулмонлари ҳаётида муҳим ҳужжат – биринчи хартия имзоланди. Мазкур ҳужжат Русиядан то Испаниягача бўлган ҳудуддаги тўрт юздан ортиқ мусулмон жамоаларининг интилишларини ифода этади.

“Мазкур ташаббусдан мақсад Оврупада Ислот мавқеини доимий мустаҳкамлаб бориш, қитъа ривожиди мусулмонларнинг янада фаол қатнашувини таъминлашдир”, дейилади Оврупа Ислот ташкилотлари уюшмаси баёнотида.

Оврупа Ислот ташкилотлари уюшмаси бош котиби ал-Баноний айтишича, қитъадаги кўпчилик мусулмон ташкилотлари имзолагани-

рининг асосий тамойиллари кўрсатилган, мусулмонларнинг жамият ривожига қўшаётган ҳиссалари акс эттирилган.

Оврупа Ислот ташкилотлари уюшмаси президенти Чақиб Бинмаклауф: “Ягона Оврупада, аҳил жамиятда қитъа мусулмонлари жамо-



Йўлдош ЭШБЕК

# Мен нақшлаб олай дилга Исмингни!

## Ғамгин тоғлар

Ғамгин тоғлар ортида хомуш,  
Муштдек бўлиб яшайди онам.  
Балки кўрар бир қушни у туш,  
Кўзин очса, томчилайди ғам.  
Ёлғиз дала, ёлғиз тоғ. Онам...  
Ёлғизоёқ йўлга қарайди.  
Ёлғиз осмон, ёлғиз олам...  
Барча ғамга қандоқ ярайди?  
Ҳар кимда ҳам бордир бир юмуш,  
Онам дардин нурга ўрайди.  
Мендан кўра вафодордир қуш,  
Тушларида уни сўрайди.



## Бу тоғларда

Бу тоғларда қор ёғади йил бўйи  
Менинг маҳзун аҳволимга ғам қўшиб.  
Қирмиз туман уфқларга бош қўйиб,  
Уриб олар чўққиларга гоҳ тўшин.

Бу тоғларда қор ёғади йил бўйи,  
Қор ораси бойчечакка тўлуғдир.  
Ҳарир туман, ҳарир туман — дил уйи,  
Уфқ ҳидлаган адирлари улуғдир.

Менинг ҳолим маҳзундир бу дарада,  
Ватан бойдир. Ҳолим войдир. Юрак-да...  
Куппа-кундуз юлдуз учар қор оралаб,  
Кўз нурим-ла кўтарурман фалакка.

Куппа-кундуз юлдуз учар қор оралаб,  
Айлана тоғ — бир қудуғи оламнинг.  
Бахтли фиғон учиб борар зор оралаб,  
Масъуд бир ёш кипригида аламнинг.

Най навоси янглиғ водий тўлғонар,  
Булоқларнинг атрофида кўзалар.  
Нақд эртага, шаксиз, улус уйғонар,  
Нақд эртага, шаксиз, тоғлар кўзғолар!

Нечун диллар ёнар бунда, тил куйиб,  
Нечун кичик туюлгайсан, не озор?  
Бу тоғларда қор ёғади йил бўйи,  
Бу тоғларда тошдан бошқа ҳар не бор...

## Шабнамдаги нур

Шабнамда минг хилда товланади нур,  
Юрагимда эса минг туйғу мавжи.

Мен такбир айтаман — кўнглимда сурур,  
Гул тасбеҳ ўқийди. Дуонинг авжи.

Биламан, шабнамнинг умри бир лаҳза,  
Биламан, бир ойда ўтади даврон.  
Аммо... юрагимга тушади ларза,  
Сенинг қудратингга келтирдим имон.

Ишорот этасан: ҳаёт бир лаҳза!  
Сирот кўпригида шабнаммиз асли.  
Гуллаб кетармикан бу байтул аҳзан,  
Нурланиб ўтарми бу умр фасли?!

Диёрлар йўлида шуъладай ёниб,  
Ўтсайдиқ юзларда нурлар товланиб.  
У Соҳиб Жамолнинг ишқида ҳаргиз,  
Умр дафтарига солиб гўзал из!..

## Муножот

Аллоҳим! Кўтаргин мени азобдан —  
Фафлатдан кўтаргин мени, Аллоҳим!  
Ўзим сабабчиман, кўтаргин хобдан —  
Бу қаттиқ уйқудан, дилда нақш оҳим.

Юзимда табассум — ғамнинг суврати,  
Кўнгилда ғуссалар қатор-қатордир.  
Ўзинг мадад берсанг, хобни қувратиб,  
Амални гуллайтиб, дардни отар дил.

Тамом бедардлар ҳам биздан эмасдир,  
Оғрисам, ишқинг-ла оғрийин энди.  
Бу менинг қўлимдан ҳеч вақт келмасдир,  
Сенинг марҳаматинг ила нур келди...

Ҳабибинг изларин сурай кўзимга,  
Насимлар нақшлаб суйган исини.  
Сўзларин мустаҳкам улай сўзимга,  
Мен нақшлаб олай дилга Исмингни!

## Тиниқлик

Тоғларнинг сувига қарайман, тиниқ,  
Булоқлар бошида яйрайман тиниқ.  
Тиниқ нур жилваси гул шабнамида  
Минг хилда товланар, сайрарлар тиниқ.  
Инсонлар кўнгилида не ёниқ кўрсам,  
Ўзингни эслайман, не тиниқ кўрсам.  
Мовий ой, қуёшга боқиб, осмонда  
Шодон, жим, гўзал не хўрсиниқ кўрсам.  
Шукр бўлса керак табиат иши,  
Синовдир инсоннинг юриш-туриши.



# МАМЛАКАТ ЯНГИЛИКЛАРИ

Мен Сени эслаيمان ҳар ёнга боқиб,  
Дил Сени зикр этар, зикр — юмуши!

## Қадрдон эшик

Ў, сен гўзал! Қанчалар гўзал!  
Ҳофиз бўлсам айтардим қўшиқ.  
Шоир бўлсам битардим ғазал,  
Ў, сен гўзал, қадрдон эшик!

Содиқ отнинг умрови каби  
Қўксинга бош қўяман аста.  
Ўнг келгандай чўнг ови, лабим  
титрар, кўзим юмилар. Хаста

жангчидирман, мағлубми, голиб?  
Йиллар билан жанг қилдим толиб.  
Сени бир бор силамоқ учун,  
Туш сўрадим, тушларда учдим.

Қанча илиқ дамларинг тотдим,  
Ботди майин тонглар ҳам баъзан.  
Ҳиммат билан силкиб уйғотдинг,  
Ў, сен гўзал! Бунчалар гўзал!

Гўзаллигинг кўркинг биланмас,  
Жим-жит меҳринг билан зиёда.  
Менга бошқа эшик тилакмас,  
Сендай эшик йўқдир дунёда!

Аммо ногоҳ недир эзилар,  
Олдинданоқ кўнглимга ботиб:  
Майинлигинг кетмиш, сезилар:  
Бошқачароқ турибсан қотиб.

Зар қопламанг йўқ эди, ғашлаб  
Бундай илкис очилмас эдинг...  
Мен йўғимда гулдай ғам ташлаб,  
Наҳот сен ҳам сотилиб кетдинг?!

## Англамоқ

дунёни мушкулдир,  
Мушкулдир инсонни англамоқ.  
Итоат энг гўзал ҳуқуқдир,  
Таслим бўлмоқ, тингламоқ...  
Бўйинсунарман,  
синдиарман бўйнимни.  
Синдириб,  
тиндириб  
қўярман кўнглимни.  
Озод қисми омон қолсин, озодлик —  
буюк ишққа уларман  
йўлимни...



## Буюк шоирга эҳтиром

Ғазал мулкининг султони Алишер Навоий таваллудининг 567 йиллиги муносабати билан Миср элчихонаси фан ва таълим марказида адабий кеча бўлиб ўтди. Кечада Миср Араб Республикаси элчиси Надия Кафафи, фан ва таълим маркази директори Маҳди Муҳаммад Мурсий ҳамда мисрлик шоир Жамол Биҳит сўзга чиқишиб, Алишер Навоий ижодига қизиқиш Миср ва бошқа араб давлатларида ҳам катта эканини таъкидлашди.

Тадбирга бошқа хориж давлатлари элчихоналари вакиллари ва бошқа меҳмонлар ташриф буюришди.

**Абдуллоҳ ОХУНЖОНОВ**



## Мадрасада ғазалхонлик

9 феврал куни «Жўйбори Калон» аёл-қизлар Ислом ўрта махсус билим юртида Алишер Навоий таваллудининг 567 йиллигига бағишлаб тадбир ўтказилди. Тадбирда 1-курс талабалари Алишер Навоийнинг ҳаёт йўли ва ижодий мероси ҳақида билганларини сўзлашди. Ғазалхонлик, рубоийхонлик бўлди.

**Замира МАЖИДОВА,**

*мадраса мудири муовини*

## “Навоийдан сабоқ олдим...”

Алишер Навоий номидаги Адабиёт музейида қорақалпоқ адабиёти асосчиси Бердақ таваллуди 180 йиллигига бағишлаб “Навоийдан сабоқ олдим...” кўргазмаси очилди. Нукусдаги Бердақ миллий музейи хазинасидаги турли даврларга оид ноёб ёдгорликлар, Бердақ ҳаёти ҳамда ўша давр адабий муҳити ҳақида ҳикоя қилувчи манбалар, шоирнинг турли йилларда чоп этилган асарлари кўргазмага қўйилган.

**Беҳзод ҚОДИРОВ**

## Муносиб баҳо

Истамбул шаҳрида ўтган мато ва гиламлар халқаро кўргазмасида бухоролик Қорёғди Жумаев туркиялик ҳамкасби Маҳмет Метинқоя билан ҳамкорликда яратган “Марказий Осиёнинг 99 мафтункор адрес чопони” номли суратли китоб тақдимоти бўлди.


Илмий шарҳлар, фотоҳужжатлар билан бойитилган тўпламга XI—XIX асрлар Бухоро ҳунармандчилиги энг сара намуналари жамланган.

**Истам ИБРОҲИМОВ**

*“Халқ сўзи” мухбири*

Акрам ГУЛШАН,  
Сақария университети профессори, Туркия

# ТУРКИЯДА



Ўн саккизинчи аср ўрталарида Истамбулнинг Ускудар маҳалласида Туркистондан келган ҳожилар, сайёҳларга бошпана бўлсин деб ўзбеклар тақяси қурилди.\*

Туркистондан ҳажга борувчилар йўлакай Истамбулга кириб ўтишарди. Бу ерда бир муддат қолиб, бир жума намозида иштирок этишар, Абу Аййуб Ансорийнинг қабрларини зиёрат қилишар, сўнг Макка томон кетишар эди. Тақя қурилмасидан олдин бўлажак ҳожилар Ускударнинг Султонтепасида чодир тикиб туришарди. Кейинчалик бу ерда бир тақяхона қурилди.

Ўзбеклар тақяхонаси бугун ҳам уч қаватли бўлиб, ётоқхоналар, саломхона, масжид, ҳаммом ва ошхонадан иборат. Боғда ҳовузлари бор. Тақя “Ҳожи хўжа”, “Қаландархона” номлари билан аталган.

Исмоил Айронировий эса Ускудардаги ўзбеклар тақясини 1753 йили волий Абдуллоҳ пошшо (вафоти 1755) қурдирганини айтади. Тақянинг илк шайхи ҳожи Абдуллоҳ афанди тақяни кенгайтириб, ривожлантирган.

Тақя турк саноатида ҳам муҳим ўрин тутган. Бухоронинг Вобкент шаҳрида туғилган ва Туркияга кўчиб, тақя шайхлигига кўтарилган Маҳмудсодиқ афанди (вафоти 1846 йил) Бухорода ўрганган “абру” (шойи газламага нақш солиш) санъатини Туркияга олиб келган, деб ҳисобланади.

\* Мақола «Ўзбекистон Илом дунёсининг буюк мутафаккирлари юрти» мавзудаги (2007 йил ноябр, Самарқанд-Бухоро) халқаро анжуманда қилинган маъруза асосида тайёрланди.

Ўгли шайх Иброҳим Адҳам (1829—1904) афанди бу санъатни тақяда кўп кишига севдириб ўргатган. 1829 йили тақяда туғилган шайх Иброҳим Адҳам хаттотлик, абрубандлик, дурадгорлик, ўймакорлик, матбаачилик ва тўқимачилик каби кўплаб қўл санъатларини усталик билан бажарган. Бу киши тўқиган жойнамозлар 1863 йилги халқаро Истамбул кўрғазмасида кўплаб киши эътиборини тортган. Адҳам афанди 1867 йили сув буғи билан ишлайдиган мотор ижод этиб, Париждан медал, суннат қилувчи асбоб кашф этгани учун Олмониядан тақдирнома олган. Бундан ташқари қудуқдан сув чиқарувчи асбоб ҳам яратган. Спорт ўйинларидан камончиликни шоғирдларига бот-бот тавсия қилган. Хорижий тиллардан арабча, форсча, чигатойча, арманича, озарча ва ўзбекчани билган.

Даврининг буюк санъаткори бўлган Иброҳим Адҳам афанди бу маҳорати сабаб Мидҳат пошшо 1869 йили қурдирган Истамбул Султон Аҳмад санъат мактабига мудир (директор) этиб тайинланган. Шайхнинг ижод маҳсули бўлган ва ҳануз тақяда сақланаётган эллипс ва чизғичлар ҳалиям диққатни тортади. Шайх физика ва кимёдаги илмини тўқимачилиқда ҳам қўллаган. 1877—1878 йилларда усмонли-рус уруши чоғи Ускударда ташкил этилган навқибби ҳумоюнда қўмондонлик ҳам қилган.

Бу маълумотлар айниқса шайх Иброҳим Адҳам замонида ўзбеклар тақяси илм ва санъат мактаби каби ишлаганини кўрсатади. Машҳур математик Солиҳ Закийбек, файласуф Ризо Тавфиқ, хаттот Самий афанди, Нажмиддин Ўқёй каби зиёлиларни учраштирган макондир бу тақя. Қирим уруши (1853—1856)дан кейин Туркия билан алоқаларни яхшилаган

чиғатой ва ўзбек зиёлиларининг учрашув жойи ҳам ҳисобланган.

Тақяда тил ўргатилган, грамматика ўқитилган, луғатлар тузилган. 1847 йили Туркияга келиб, ўзбеклар тақясига шайх бўлган бухоролик Сулаймон афанди 1882 йили нашр қилган “Луғати чиғатойи ва туркийи усмоний” номли асарида туркчанинг асл ўзақлари арабчадан фарқли эканини кўрсатиб беради.

Хуррият учун бўлган урушда муҳим ўрин тутган ўзбеклар тақяси Истамбулдан Онадўлига қурол ва дори-дармон ҳам етказиб турган. Шунингдек, аскарлар ва улар оиласи ўртасида хат ташишни йўлга қўйган. Шайх Ато афанди Истамбулда ғарб истилочиларига қарши кураш чоғида тақя атрофи халқини курашга чорлаб, Онадўлини айланган. Ҳатто Онадўлига боргач, Мустафо Камол билан туркистонлик Анвар пошшо ўртасидаги келишмовчиликни бартараф этиб, туркий халқларнинг биргаликда курашиши ғоясини илгари сурган. Бунинг учун 1920 йили Ғарбий Туркистонга бориб, уч йил ўша ерда қолган ва катта пул ёрдам олиб қайтган. Тақя аъзоларидан Фавзи Чақмоқ, Исмаилов Оному, Жалол Баяр, Маҳмуд Акиф каби ўнлаб зобитларнинг номи ҳам эса олинади.

Жумҳурият даври (мустақиллик)гача бу тақялар ўз вазифасига содиқ қолиб, Ўрта Осиёдан келган юзлаб сайёҳ ва зиёратчиларга хизмат кўрсатган. Тақяхонада меҳмонлар ва зиёратчилар учун дафтар тугилган бўлиб, уларнинг келиш, кетиш, туғилиш ва вафот саналари, муҳим ишлари қайд этиб борилган.

1925 йили тақя ёпилади ва бу ерда шайх Нажмиддин афанди (вафоти 1971 йил) оиласи билан яшаб қолади. Ўшанда ҳам ҳафтанинг баъзи кунлари меҳмон ва зиёратчиларга ўзбек оши (палов) тортилиб, хатми Қуръон қилиб турилган.

1983 йили тақянинг масжид, тавҳидхона, ошхона, саломхона қисмлари таъмир этилди. Бу ерда ҳозир Шайх Нажмиддин афандининг набиралари яшаб, тақяга қараб туришибди.

### **Турк-ўзбек муносабатлари**

Икки қардош ўлка — Туркия билан Ўзбекистон алоқалари тарихда бўлгани каби сиёсий-иқтисодий ва маданий соҳада давом этди. Туркистон хонликларида Русия исти-

лоси даврида сиёсий ва техник ёрдам берган Туркия мустамлакачиларга қарши курашда ўзбек қардошлари ёнида турди. Анқара ҳукумати ва Мустафо Камолнинг хусусий ишоралари билан 1921 йили Туркистонга жўнатилган Исмаилов Субҳибейнинг Тошкентда “Туркистон Миллий бирлиги” ташкил этилишида ҳам катта ҳиссаси бор.

Туркиянинг бу ёрдамларига жавобан ўзбек қардошлар ҳам Туркия миллий мужодаласига ёрдам мақсадида “Рус олтинлари” сифатида ўтган юз миллион рубл ҳисобида Бухоро амирлигидан ёрдам пули жўнатишган. Аммо бу ёрдамнинг фақат 11 миллиони Туркияга етиб келган. Қолгани руслар қўлига ўтиб кетган. Бунга жавобан Мустафо Камол Отатурк ўз вақтида Бухоро амири бўлган Усмонхўжа ўғлига яқиндан кўмак бериб, миллат вакили сифатида маош тайин қилган.

Хуррият курашида саноғи кам бўлса-да, турк аскарлари ёнига кўнгили бўлиб қўшилган бухороликлар бор эди. Булардан бири ўзбекистонлик Ҳожи Йўлдошдир. Бу шахс бугунги Марғилоннинг Қумтепа қишлоғидан ҳажга бориш ниятида Туркияга келган. Аммо дастлаб Болқон жангида, сўнгра биринчи жаҳон урушида қатнашган.

1918 йили уруш тугагач, ҳажга бориш учун Ҳижозга йўл олади. Қайтганида эса иккинчи Қовоқлихон урушида қатнашиб, катта жасоратлар кўрсатади. У франсузларга қарши жангда Баллежа қишлоғида ўнг билагидан ярадор бўлиб, 1920 йили вафот этади. Қабри Тарсўс шаҳридадир.



Яна бир туркистонлик кўнгилли аскар Сатторхон тўрадир. Бу киши биринчи жаҳон урушида Усмонли қўшинига қўшилади. Чанокқалъа ва Сақаря жангларида қатнашиб, беш жойидан ярадор бўлади. Тузалгач, яна Адана атрофида курашни давом эттиради. У 1964 йили Туркияда вафот этади. Қабри Адана шаҳрида. Булар каби бир неча туркистонлик кўнгилли қаҳрамонлар Туркия озодлигига ҳисса қўшишган.



Тарихда Туркия ва Туркистон халқлари орасида маданий ва сиёсий алоқалар кенг қамровли бўлган. 1911—1912 йиллари Бухоро амирлигидан рухсат олмай Абдурауф Фитрат, Усмонхўжа, Содиқ Ашур ўғли, Гулжалил Абдулазиз ва бошқалар Истамбулга келишган.

Улар Бухорода ташкил этилган “Тарбия Атфол” (Болалар таълими) номли яширин уюшманинг Истамбул бўлимини расмий очишган. Бухоро ва Истамбулдаги бу уюшманинг асосий мақсади Туркистон болаларини Туркия ва Олмонияга таълим учун жўнатиш эди. Ўша йиллари ёшлардан қирқ беш нафари таълим олишга жўнатилди.

Алаш Ўрда мухторияти ва Қўқон мухторияти 1918 йили қизиллар томонидан тарқатилгач, дастлаб Идил — Уралда, кейинчалик Туркистонда катта ишлар қилган бошқирд олими Заки Валид Тўғон ҳам 1925 йили Истамбулга келган. Заки Валид Тўғон, Мустафо Чўқай ўғли ҳамда аввалроқ Туркияга келган Исмоил хўжа ва бошқа туркистонликлар Истамбулдаги мажлисларида Туркистон мустақиллиги учун курашишга қарор бердилар. Бунинг натижасида 1927 йили Туркияда “Янги Туркистон” номли сиёсий журнал чиқа бошлаган. Шу йили туркистонликлар ташкил этган “Туркистон ёшлар бирлиги” номли уюшма кейинчалик ҳам фаолият кўрсатган.

ЎзМУ магистранти  
Абдулатиф АБДУЛЛАЕВ  
таржимаси

## Барака ҳақида билганим

Кишида Сулаймоннинг газнаси бўлса-да, барака бўлмаса, бефойда. Ҳозир барака деган тушунчага унчалик эътибор бермаймиз. Кўпимиз: “Пул қаердан бўлса ҳам, келсин”, деймиз. Алихонтўра Соғуний бундай ёзади: “Барака” деган нарса нимадур? Ҳар ишнинг илгили (фойдали)лиги, ҳар ишдан чиққан яхшилик натижасидур. Бу эрса Худо томонидан бўлур. Имонлик кишиларгина мунга ишонурлар. “Умрингдан барака топгур”, деб дуо қилиши энг улуғ олқишдур. Барака Худо томонидан бўлур, дедик. Мунинг маъноси шулдурким, ҳар қандай инсон бир ишга киришмоқчи бўлса, динимиз буюрганидек, ниятини тўғрилаши фарздур” (“Тарихи Муҳаммадий”, 591-бет).

Дуо билан барака ато этилиши Расулуллоҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) энг машҳур мўъжизаларидандир. “Тарихи Муҳаммадий”да бу ҳақида бир неча ҳадис келтирилган.

Пайғамбаримиз (алайҳиссалом) ҳижрат йўлидаги бир манзилга тўхтаб, Умму Маъбад исмли хотиндан егулик сўрайдилар. Аммо аёлнинг уйида жуда ориқ, юришга ҳоли йўқлигидан ўтлоққа чиқолмай қолган қўйдан бўлак ҳеч вақо йўқ эди. Расулуллоҳ ўша қўйни соғиб кўрмоқчи бўладилар. Аёл: “Унда сут қайдан бўлсин, соғиб кўринг”, дейди. Расулуллоҳ (алайҳиссалом) бисмиллоҳ деб қўйни силайдилар. Буришиб, ёпишиб ётган елин-эмчакларини муборак қўллари билан ушлаб, “Аллоҳим, бу қўйимизга барака бер”, деб дуо қиладилар. Шу онда қўй ирғиб туриб семириб, елини хотига сиғмай, потраб чиқади. Бир катта чора (идиш) келтириб, ўзлари соғадилар. Хиёл ўтмай, бу идиш лиқ тўлиб, ўн-ўн беш киши ичса ҳам қонгудек бўлади.

Барака ҳақида китобларда кўп гўзал воқеаларни ўқиш мумкин. Демак, барака Аллоҳ таолонинг имон-эътиқодли бандаларига берган буюк неъматларидан бири экан.

Бахтиёр ҲАЙДАРОВ,  
ўқитувчи